



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ошкоралик
хатони фош
қилишдан кўра,
уни тақрорлашга
йўл қўймасликни
таъминлаш
зарур

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 18-avgust, chorshanba, 89-90 (23.525 - 23.526)-son

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР, КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ВА АМАЛИЙ ИШЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
“Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири
Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари**

Савол. Муҳтарам Президент, аввало, газетамиз учун интервью беришга розилик билдирганингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этамиз.

Маълумки, кейинги беш йил давомида мамлакатимизда кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистон” деган тушунча реал воқеликка айланмоқда. Сиз давлат бошлиғи, ана шу ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ташаббускори ва уларнинг марказида турган ислохотчи раҳбар сифатида бу янгиланишларнинг мазмун-моҳиятини биринчи навбатда нималарда кўрасиз?

Жавоб. Аввало шунга айтиш керакки, ўз юртида озод ва эркин ҳаёт, адолатли жамият барпо этишдек улкан мақсадни ўз олдига қўйган ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллат оғир, машаққатли ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтади.

Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамisha сабр-матонат билан яшаган ўзбек халқи ҳам 1991 йил 31 августда муқаддас орзусига эришди – жонажон Ватанимиз ўз давлат мустақиллигини қўлга киритди.

Насиб этса, яна санокли кунлардан кейин ана шу қутлуғ сананинг 30 йиллигини улкан шодиёна сифатида кенг нишонлаймиз.

Бу шонли байрам олдидан мамлакатимизда катта тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Жойларда кенг қўланилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари шиддат билан олиб боришмоқда. Жумладан, пойтахтимизга туташ 100 гектардан ортиқ улкан ҳудудда “Янги Ўзбекистон” боғи ҳамда бетакрор Мустақиллик

мажмуаси жадал суръатлар билан бунёд этилмоқда. Насиб этса, бу йил энг улуғ, энг азиз байрамимизни мана шу янги майдонда ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди, мард ва олижаноб халқимизнинг буқилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этилди. Тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси – Асосий қонунимиз ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ватанимиз суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Ўзбекистонда замонавий давлатчилик асослари яратилиб, конституциявий тузумга асос солинди. Давлат ҳокимиятининг унча мустақил тармоғи – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари қарор топди. Том маънодаги конституциявий давлат барпо этилди.

Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва давлат мустақиллигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ҳамда миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар ташкил этилди. Миллий валютимиз – сўм жорий этилди ва олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди.

Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлимиз тикланди.

Мана шундай унутилмас тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб этганидан бахтиёрман.

2-саҳифа >>>



Янги Ўзбекистон сари яна бир қадам

Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек мадрасида Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан “Янги Ўзбекистон – янги ренессанс сари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

“Маънавият фестивали” доирасида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” гоёси асосида ўтказилган тадбирда юртимизнинг таниқли олимлари, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари иштирок этди. Шунингдек, анжуманда “Zoom” платформаси орқали республикамизнинг турли ҳудудларидан илғор зиёлилар ўз маърузалари билан қатнашди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳожиддин Ҳошимов, вилоят ҳокими ўринбосари Х.Очилов анжумани ташкил этишдан кўзланган мақсад ва тадбирнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

– Янги Ўзбекистон янги ренессанс сари одимлапти, – дейди Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Мухаммаджон Қуроноқ. – Қўзланган маррага етиш учун муносиб муҳит яратилиши керак. Тарихдан маълумки, Самарқандда, айнан Мирзо Улуғбек мадрасида ана шундай муҳит бўлган. Сабаби опти асрлик тарихга эга бу қутлуғ даргоҳда Ҳазрат Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий каби буюк алломалар таълим олган. Бугунги илмий-амалий конференциянинг бу муқаддас қадамжода ўткази-

зилишининг ҳам аҳамияти катта. Зеро, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи ренессансга пойдевор қўйиш халқимизни, хусусан, ёш авлодни буюкларимизнинг бебаҳо мероси билан таништиришдан бошланади. Бугунги анжуман ҳам айнан шу йўлда қўйилган яна бир қадам бўлди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими, профессор Абдуҳалил Маврулов, Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, фалсафа фанлари доктори Ҳазрат Жабборов, юридик фанлари доктори, профессор Феруза Муҳитдинова, Самарқанд давлат университети доценти, фалсафа фанлари доктори Ақтамкул Самадов юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир ва алломаларнинг маънавий меросини ўрганишда ижодий ёндошув ва қарашлар хилма-хиллиги, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда жадид боболаримизнинг тарбияга оид таълимоти ва уларни илмий асосда чуқур ўрганиш, Янги Ўзбекистон – ренессанснинг учинчи тўлкини: муаммо ва истиқболлар хусусида сўз юритди.

Конференция доирасида “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан ташкил этилган танловга келиб тушган илмий-оммабоп мақолалардан 90 га яқини жамланиб, нашр этилган “Янги Ўзбекистон – янги ренессанс сари” номли тўпلام тақдироти ҳам ўтказилди.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

Округ сайлов комиссияси таркиби тасдиқланди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, 7-Самарқанд округ сайлов комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқланди:

7-САМАРҚАНД ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

(**Ёшлар маркази биноси, Самарқанд шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 63-уй, телефонлар: 0-366 233-20-83, 0-366 233-20-73**)

Комиссия раиси

Тошев Фармон Исҳоқович — “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири

Комиссия раиси ўринбосари

Тошнингиз Отабек Полвонович — Самарқанд юридик техникуми директори

Комиссия котиби

Якубжанова Дилфуза Қодировна — Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг ўқув ишлари бўйича проректори

Комиссия аъзолари

Шодиқулов Озоджон Зикриёевич — Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Ҳасимов Умид Ақобирович — “Хунармандлар” уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи

Қудратов Шерзод Асатович — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Бобоназаров Юнус Юсуфович — Самарқанд вилояти молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Мўминова Гулрух Комиловна — “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган тахририяти муҳбири

Ашуров Шахобиддин Саидович — Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий ишлар бўйича проректори

Сурова Нигора Турсуновна — Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 8-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори

Сувонқулов Шерзод Шавкатович — Марказий банк Самарқанд вилояти бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Кенжаева Наргиза Қуватовна — Самарқанд вилояти наркологи диспансери бош шифокори

Маматқулова Дилором Ҳайдаровна — Самарқанд транспорт муҳандислик коммуникациялари техникуми директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари

Назаров Санжар Насриддинович — “Ўзбек-телеком” акциядорлик компанияси Самарқанд филиали директори ўринбосари

Эргашев Завқиддин Раҳмонович — Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши раиси

Орипов Меҳриддин Қамарович — Самарқанд шаҳар “Катта ариқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Рустамов Латиф Ботирович — Самарқанд вилояти санитария-эпидемиология оқойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Хонкелдиева Феруза Мусаевна — “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар ассоциацияси Самарқанд вилояти бўлими раиси

Ўролбоев Бекзод Халибович — Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари

Саидмуродова Наргиза Ўқтамовна — Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари

Худоярова Зилола Исмаиловна — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 63-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Ҳаёт ўтган кунлар эмас, балки эсда қолганларидир

Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам муборак ҳадисларида шундай деганлар:

“Олимлар пайгамбарларнинг меросхўрларидир. Пайгамбарлар динорни ҳам, дирхамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса улугъ насибани олибди” (Абу Дардо розияллоху анҳудан Термизий ривояти).

Дарҳақиқат, уламолар Расулulloх соллalloху алайҳи васалламдан сўнг одамларни ҳаққа чақирадиган, жоҳилларга таълим берадиган, адашганларни йўлга соладиган ва бидъатлар халқ орасига кириб келишининг олдини оладиган зотлардир. Улар шу билан бирга ушбу меросни келгуси авлодга муносиб тарзда узатувчи устоз ва мураббийлар ҳамдир.

Ўзбекистон ислом аҳлининг устози, муқаддас динимиз маърифати, илму зиёсини кенг тарғиб этувчи, одамларни солиҳ амаллар сари, тинчликсеварликка, инсонпарварликка, эзгу ишларга даъват қилиб, бутун умрини ана шу шарофли ишга бахшида этган Усмонхон Темирхон ўғли Алимов ҳазратлари фойний дунёдан боқий ҳаётга рихлат қилдилар.

Инсон дунёга келар экан Аллоҳ таоло ато қилган умр неъматини эъозлаб, ҳаётдан кўзланган мақсадга эришиши лозим. Кимдир бу неъматни беҳуда, зарарли нарсаларга сарф қилса, айрим инсонлар уни яхшилик ва эзгуликка сарф этади. Ҳатто дунёдан ўтганидан сўнг ҳам бу каби зотларнинг умр йўли келгуси авлодларга ўрнат ва сабоқ бўлади.

Устоз Усмонхон домла ана шундай зотлардан эди. Зиёли оилада вояга етган устоз диний илмга бўлган муҳаббати боис дастлаб Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасида, кейинчалик Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Марокашнинг “Каравийн” дорилфунунда таҳсил олганлар.

Меҳнат фаолиятини Имом Бухорий жоме масжидида имом-ноиб вазифасида бошлаб, сўнгра ушбу масжиднинг имом-хатиби сифатида хизмат қилганлар. 2000-2006 йилларда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги вакили, бош имом-хатиби бўлиб фаолият кўрсатдилар. 2006 йилдан буён эса Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий лавозимида ишлаб келаётган эдилар. Сукули Набийимиз Мухаммад мустафо сол-

лalloху алайҳи васаллам “Қиёмат куни Одам боласининг қадами Робби азда ва жалланнинг ҳузуридан то У зот ундан беш нарс ҳақида сўрамагунча узилмас: умридан, уни нимага сарфлагани ҳақида; ёшлигидан, уни нимада ўтказгани ҳақида; молидан, уни қаердан касб қилди-ю нимага инфоқ қилгани ҳақида ва илмига қандай амал қилгани ҳақида”, деганлар (Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анҳудан Термизий ва Табароний ривоят қилишган).

Марҳум устозимиз Аллоҳнинг умр неъматини Ўзи рози бўладиган амалларга сарф этдилар – ёшлиқларидан илм толиби, меҳнат фаолиятида эса фақат динимиз ривожини, мусулмонлар манфаати билан машғуллик.

Усмонхон Алимов Имом Бухорий жоме масжидида имом-хатиб сифатида ишлаб юрган кезлари халқимизнинг диний илмга бўлган иштиёғини кўриб, Пайриқ тумани ҳокимлиги билан келишган ҳолда масжид қошида диний мадраса ташкил этган ва ўзлари устозлик қилган эдилар. Ушбу илм даргоҳи 2008 йилга қадар ўрта махсус билим юрти сифатида фаолият олиб бориб, бу ерда юзлаб олимлар, имом-хатиблар тайёрланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси сифатида иш бошлаганлари билан мамлакатимиздаги диний йўналишда ҳам кўплаб ютуқларга эришилди. Ҳатто бу муваффақиятлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилдики, кўплаб халқаро ислом уюшмалари томонидан у кишига унвон ва мартабалар берилди.

Муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари йигирмадан ортиқ китоб ва юздан зиёд илмий-оммабоп мақола муаллифи ҳисобланади. Жумладан, у кишининг “Тафсири Ирфон”, “Имом Бухорий – муҳаддислар султони”, “Имом Бухорий баракоти”, “IX-X асрларда Самарқандда калом илмининг ривожланиши”, “Ҳазрати Имом”, “Ёшлар – келажакимиз”, “Расулulloхнинг муборак васиятлари”, “Расулulloх мўъжизалари”, “Оилада фарзанд тарбияси”, “Сўраган эдингиз” каби асарлари чоп этилган.

Муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари томонидан таълиф этилган Қуръони карим маънолари таржимаси ва тафсири китоби – “Тафсири Ирфон” бугунги воқелигимизга мослаб, халқчил тилда, айни чоғда, юксак илмий маҳорат билан таржима ва тафсир этилгани янада аҳамиятлидир.



Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий соллalloху алайҳи васаллам *“Қачонки одам боласи ўлса, амали кесилади. Магар уч нарсадан: жорий садақадан, манфаат оладиган илмдан ёки унинг ҳақиқига дуо қиладиган солиҳ фарзанддан кесилмайди”*, деб айтганлари келтирилган (Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаганлар).

Ҳадисга мувофиқ ҳаёт тарзини ҳазратимизнинг ҳаёт йўлидаги кўришиси мумкин. Масжид ва мадрасаларнинг ташкил этилиши жорий садақ, шогирд ва асарлар – манфаатли илм ва ҳаққида дуо қиладиган солиҳ фарзанд – ҳазратимизнинг Қуръони каримни ҳифз қилган, илм соҳиблари бўлмиш солиҳ фарзандларидир.

Усмонхон ибн Темирхон ҳазратлари ҳаётда ўта самимий, доно, такводор, камтар инсон эдилар. Оғир, фитнаги, мунозарали вазиятларда ҳам босиқлик ва донолик билан иш юритар, адолат билан қарор қабул қилардилар.

Донишмандлар “Ҳаёт ўтган кунлар эмас, балки эсда қолганларидир”, деган эканлар. Мутафаккир олим, муфассир, муҳаддис, тарихат пешови ҳазрат Усмонхон Темирхон ўғилларининг самарали ва намунали ҳаёти биз ва келгуси авлод ёдида сақланиб қолади. Ўғит ва сабоқлари, илмий асарлари юртимиз мусулмонлари учун манфаатли бўлади иншааллох.

Аллоҳ субҳонаху ватола муфтий Усмонхон Алимов ҳазратларини дини мубинимиз йўлидаги беқиёс хизматлари, илм-маърифат, зиё тарқатиш йўлидаги сайё-ҳаракатларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфирати билан сийласин. Қабрларини жаннат боғларидан қилиб, охиратларини обод қилсин!

**Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,
Самарқанд вилоят бош имом-хатиби.**

ЎНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА АМАЛИЙ ИШЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

▶ (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мустақил тараққиёт борасида эришган улкан ютуқлар билан бирга, йўлимиз айрим хато ва камчиликлардан ҳам холи бўлмаганини очик айтиш лозим. Мустабид тузумдан воз кечиб, демократик жамият барпо этишга қаратилган жараёнлар, мураккаб ва таҳликали даврнинг ўзи турли муаммо ва вазифаларни олдимизга қўндаланг қўйди. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун билим ва тажрибамиз, ирода ва қатъиятимиъ баъзан етса, баъзида етмаган ҳолатлар ҳам бўлди.

Шу боис мамлакатимиз тараққиётини янги, юксак босқичга кўтариш, бунинг учун янги ислохотларни амалга ошириш объектив зарурат, энг муҳим стратегик вазифага айланди.

Дарвоқе, “янги” деган сўзнинг биз учун алоҳида аҳамияти бор. Масалан, энг кўҳна байрамларимиздан бири **Наврўз** – **Янги кун** деб аталишини эсга олайлик. Ушбу қадимий байрам билан боғлиқ қадрият ва аъёнлар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, халқимиз асрлар давомида, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий айтганларидек, **“Хар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз!”** деган эзгу тилаклар, пок ниятлар билан яшаб келади.

Ёки ўтган асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз “жиддиллик”, яъни янгилаш ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликини англаш гоғларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққанларини барчамиз яхши биламиз. Бу улуг зотларнинг мақсади – жаҳолат ва қолоқлик гирдобиди қолдиб келаятган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илгор касб-хўнарлар билан қуроллантириб, умумбаъшарий ривожлашни йўлига олиб чиқишдан иборат эди.

Жадидлар томондан ташкил этилган янги усулдаги мактаблар, театр, кутубхона ва музейлар, газета ва журналлар, Туркистон фарзандларини чет элларга ўқишга юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқимизни неча асрлик фағлат уйқусидан уйғотди, миллий озоқлик ҳаракати учун бекиёс куч берди. Афсуски, юртимизда болшевиклар диктатураси ўрнатилгани, чор муамлакачилик сиёсати янги шаклда давом этирилгани маърифатпарвар боболаримизга ўз мақсад-муддаоларини тўлиқ амалга ошириш имконини бермади. Лекин уларнинг эзгу орзу-ниятлари халқимизнинг қон-қониди, тарихий хотирасиди сақланиб қолди ва хануз яшамоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, бугунги кунда бутун халқимизнинг қалбидан чўқур жой олган, умумимиллий ҳаракатга айланган бораётган **“Янги Ўзбекистон”** гоёси замирида ана шундай улуг аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак адашмаган бўламиз.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликини англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтарилади. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса **“Ренессанс”** – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён.

Маълумки, бугунги Ўзбекистон замини қадимда икки буюк уйғониш даврига – Биринчи (маърифий – IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темирйўллар – XIV-XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган. Бу – жаҳон илм-фанида ўз исботини топган ва тан олинган тарихий ҳақиқатдир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун **“Янги Ўзбекистон”** ва **“Учинчи Ренессанс”** сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуг мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланиб бормоқда. Айнан мана шу жараён мени учун ислохотларимизнинг энг катта натижасидир. Чунки мақсаднинг аниқлиги – ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезондир.

Агар биз бундан беш йил олдин қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини мухтасар ифода этадиган бўлсак, ушбу ноёб ҳужжатда ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйган эдик.

Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас,

балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш беришдан иборат бўлган давлатдир.

Ўтган тарихан қисқа даврда ислохотлар туфайли эришган натижаларимиз ҳақида узоқ гапирмоқчи эмасман. Бу мавзуда мамлакатимиз ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари орқали нуфузли давлат ва сиёсат арбоблари, эксперт ва таҳлилчиларнинг фикрлари мунтазам эълон қилиб келинмоқда.

Бундай ҳолис баҳолар барчамизни қувонтиради. Айни вақтда шунга таъкидлашни истардимки, биз бу демократик ўзгаришларни қимларгадир ёқиб, мақтаниш, турли рейтингларга кириш учун эмас, аксинча, демократик жараёнлар ўзимизга сув билан ҳаводек зарур бўлгани учун, халқимиз, авваламбор, ёш авлодимизнинг бугунги ҳаёти ва эртанги истиқболини ўйлаб, миллий манфаатларимиз йўлида амалга оширмоқдамиз.

Биз – Ўзбекистон фуқаролари жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар, янги имконият ва қадриятлар шаклланаётганини ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этмоқдамиз. Айниқса, “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиклик ва ошқоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётини кўникмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланиб бораётганини эътиборлидир.

Бир ҳақиқатни очик тан олишимиз лозим: вақт ўтиши билан ислохот жараёнлари тобора кенгайиб бормоқда, шиддатли замон олдимизга янада улкан вазифаларни қўймоқда. Ҳаётнинг ўзи бизни кўп нарсага ўргатмоқда. Шу сабабли биз доимий изланишдамиз. Изланиш бор жойда ютуқлар билан бирга камчилик ва нуқсонлар ҳам бўлиши табиийдир. Энг асосийси, “Ҳаракатда – баракат” деганларидек, биз энг қийин босқичдан ўтдик, яъни йўлимизни аниқ белгиллаб, катта ишларни бошладик. Энди ҳамма гап ислохотлар йўлини қатъият билан давом эттириш ва манткий яқунига етказишда. Бу албатта осон эмас, аммо биз бунга қодирмиз. Мухими, кейинги йилларда бундай улкан ва мураккаб вазифани амалга ошириш учун етарли сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-институционал замин яратилди.

Савол. Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган муҳим конституциявий тамойилни жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда. Бунинг сабаби нимада?

Жавоб. Мен кўп йиллар давлат бошқарувининг энг қуйи бўғинидан бошлаб, ўрта ва энг юқори поғонагача – барча босқичларда масъул лавозимларда ишлаганман, Олий Мажлис депутати ҳам бўлганман. Шунинг учун ҳам эски бошқарув тизимининг барча нуқсон ва камчиликларини, аҳолини қийнаётган дарду муаммоларни қуйи бўғиндан бошлаб, ич-ичинда, бошқалардан кўпроқ биламан, деб тўлиқ ишонч билан айта оламан.

Буюк Амир Темир бобоимизнинг Шахрисабздаги Оксарой қароргоҳи пештоқига битилган **“Адолат – давлатнинг асоси ва раҳбарлар шиоридир”**, деган ҳикматли сўзларида жуда чўқур маъно бор. Маълумки, аждодларимиз азалдан **“Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат қўрғонини бунёд эт”**, деб ёш авлодга йўл-йўрқ кўрсатганлар. Биз ҳам суд-ҳуқуқ тизимини ислох этишда ана шундай содда ва ҳаётий талаблардан келиб чиқдик. Хусусан, **“Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши керак”**, деган гоғия илгари сурдик ва амалга оширишни бошладик.

Шу ўринда мамлакатимизда давлат ва ҳокимият идоралари узоқ вақт давомида халқ ҳаётини узилиб қолганини қайд этиш лозим.

Сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан давлатга **“халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган орган”**, деб таъриф берилди. Давлатни ким шакллантиради? Халқ ва унинг мухтор вакиллари. Бинобарин, давлат ва унинг органлари аввало кимга хизмат қилиши керак? Албатта, халққа, турли мансаб эгаларига овоз берган ва ишонч билдирган фуқароларга.

Шу маънода, халқимиз давлат хизматидан рози бўлишга ҳар томонлама ҳақли ва муносибдир.

Ана шундай тамойиллар асосига қурилган давлат ҳокимиятигина том маънода халқчил, демократик ҳокимият ҳисобланади. Бундай давлат ва жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий илдиллари мустақам ва бақувват бўлади. Шу сабабдан биз халқимизнинг оғирини энгил қилиш, унинг муаммоларини вақтида ва самарали ечиш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашни барча ислохотларимизнинг бош мақсади этиб белгилладик.

Мен давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган 2017 йилга мамлакатимизда **“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”**, деб ном берганимиз замирида ҳам айнан шундай интилиш ва ҳаракатларимиз мужассам эканини англаш қийин эмас, деб ўйлайман.

Албатта, биз эски тизимни батамом ўзгартариб, ўз олдимизга қўйган мақсадга тўлиқ эришдик, деб айтишга ҳали эрта. Такрор айтаман, биз ҳар кунни изланишдамиз. Бу йўлда дастлабки қадамларни қўймоқдамиз, ҳолок. Лекин “Бу ўзгаришлар – вақтинчалик кампания, ўтди-кетди”, деганлар янгилашди. Бу – Президент ва унинг қомандаси узоқни кўзлаб юритаётган прагматик халқчил сиёсатнинг энг устувор йўналишларидан бири ва уни халқимиз билан биргаликда албатта охиригача олиб борамиз, ҳеч қачон ортга қайтмаймиз.

Бугунги кунда биз эришган энг муҳим натижа ҳам аслида шу – демократик ислохотларимиз ортга қайтмайди тус олди.

Мамлакатимизда давлат органлари фаолиятида очиклик ва ошқоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча бўғиндаги мансабдор шахслар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвишлари билан қоғозда эмас, амалда жиддий шугуullanмоқда. Яъни, авваламбор, давлат органлари халқ учун, ҳар бир фуқаро учун очилиб, улар билан фаол мулоқот олиб бормоқда.

Биз ҳаётимизда мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупция, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини очик тан олиб, уларни кенг жамоатчилигимиз билан биргаликда бартараф этмоқдамиз.

Бугун одамларда адолатга, ҳақиқатга ишонч пайдо бўлмоқда. Улар турли даражадаги раҳбар ва мансабдорларнинг иш фаолиятига ҳолисона баҳо бермоқда, камчиликларни ошқора танқид қилмоқда. Миллий тараққиётимиз учун бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов айтганидек, **“Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон”**.

Бугун одамлар уйғонмоқда, жамият уйғонмоқда. Маънавий уйғоқ жамият – бу ҳеч шубҳасиз, қудратли кучдир.

Ўзингиз айтинг, атиги бир неча йил олдин бундай натижаларни тасаввур қилиш мумкинми? Йўқ, албатта. Шунинг учун **бугунги Ўзбекистон – кенгайи Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кенгайи халқ эмас**, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Айни пайтда яна бир ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим: **бугунги Ўзбекистон – бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган Янги Ўзбекистон эмас.** Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди. Йўлимиз шу пайтгача осон бўлгани йўқ, бундан кейин ҳам осон бўлмайди. Лекин биз дадил олдинга боришдан, керак бўлса, қутилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноъанъавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз зарур.

Мана, сўнги пайтда кўпгина масалаларда, жумладан, “пропикаса”, хорижга қилиш учун “стикер”, мажбурий меҳнат, пахта ва галлага давлат буюртмасини белгиллаш каби эски тартиблардан мутлақо воз кечиш бўйича гоғат муҳим қарорлар қабул қилдик.

Содда қилиб, жайдари тилда айтдиган бўлсак, бу билан осмон узилиб, ерга тушгани йўқ. Аксинча, бюрократия, вазифани суиистеъмол қилиш, тамағир-

лик кўринишлари камайиб, жамиятимиз ҳаёти эркинлашди, одамлар энгил нафас ола бошлади. Халқимиз ҳам, дунё жамоатчилиги ҳам бу қадамларимизни ижобий баҳоламоқда.

Янги Ўзбекистон – бу аввало, янгича иқтисодий муносабатлар, янгича иқтисодий дунёқараш демак. Шу боис мамлакатимиз иқтисодий тизими тўлиқ қайта қурилмоқда, қанчалик оғир бўлмасин, бозор механизмларини амалда жорий этишни бошладик.

Ҳозирги вақтда электрон картчоққадаги пулларни банккоматлар орқали нақд пулга айлантириш, миллий валюта курсининг “қора бозор”да – бир хил, банкларда эса бошқача бўлиши, хорижий валюталарни сотиб олиш, фуқароларга эга бўлиш, Ўзбекистоннинг исталган ҳудудидан уй-жой ва мол-мулк сотиб олиш ҳамда уларни рўйхатга қўйиш билан боғлиқ муаммолар тарихда қолди.

Ислохотлар аҳолининг барча қатламлари манфаатларига ижобий таъбир кўрсатмоқда: тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш учун эркинлик ва янги-янги имкониятларга эга бўлмоқда, деҳқон ва фермерлар, кластер хўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланмоқда. Ҳолбуки, собиқ мустабид тузум даврида “тепа”дан буйруқ бўлмаса, бир қадам босишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди. Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигача пахта эқдик, лекин қосамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севишли шоиримиз Абдулла Орипов ўз даврида чўқур дард ва изтироб билан **“Миллион эгитларга сочилган ўзбек”**, деб ёзганидек, юз йил эғлиб пахта тердик.

Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди. Мана, уш йилдан бундан буён улар бу машаққатдан қутулди. Қанчалик қийин бўлмасин, бу соҳада биз бозор иқтисодиётининг синанган ва самарали усулларини, жумладан, кластер тизимини жорий этдик. Кластерлар ёрдамида гектаридан пахта бўйича – 50 центнер, галла бўйича 100 центнердан ҳосил олишни кўзлаётимиз ва бу марраларга албатта, эришамиз.

Афсуски, мамлакатимизда тезлик билан ҳал этиш керак бўлган ўткир муаммолар бошқа соҳаларда ҳам йиғилиб қолган эди. Ҳаммаси жойида, деган кайфият билан уларни билиб – билмаганга, кўриб – кўрмаганга олиб, фағлат уйқусига ботиб юрaverиш ҳам мумкин эди. Лекин бу ўзимизга, халқимизга, келажакка нисбатан хиёнат бўларди.

Очиқ айтмоқчимиз: менинг табиатим бундай сохта ҳаётни мутлақо қабул қилолмайди. Халқимиз менга ишонч билдирди, ана шу юксак ишонч оқлаш, эл-юртимизга муносиб ҳаёт шароитини яратиш бериш – мен учун ҳаётимнинг маъно-маъмунидир. Мен миллионлаб инсонларнинг тақдир учун масъулиятини зиммамга олган эканман, ислохотлар борасида бошқача йўл тутишим, ҳаммасини аввалгидек қолдиришим асло мумкин эмас.

Такрор айтаман: олдимизда турган ишларнинг барчасини ўзимиз, ўз кучимиз билан қилишимиз керак, ҳеч ким четдан келиб биз учун биронта муаммони ҳал қилиб бермайди.

Савол. Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олдимизда турган энг устувор вазифалар нималардан иборат?

Жавоб. Ўтган йил декабрь ойида Олий Мажлисга йўлланган Муржоаатномада бу ҳақда атрафлича тўхталиб ўтган эдим. Шу боис саволингизга қисқача жавоб бермоқчиман.

Биринчи устувор вазифа: ижтимоий сиёсат мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Бугунги кунда халқ фаровонлигини, одамларнинг ҳаёт даражасини ҳар томонлама ошириш, бунинг учун янги иш ўринлари, даромад манбаларини яратиш, камбағалликни қисқартириш, қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш иқтисодий стратегиямизнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилди. Сиз, журналистлар, бундан албатта яхши хабардорсиз. Кейинги пайтда **“темир дафтар”**, **“аёллар дафтари”**, **“ёшлар дафтари”**, **“маҳалла-лабай”** ва **“хонадонбай”** ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмоқда. Шу асосда муаммога оид мавҳум кўрсаткичлар эмас, балки ёрдам ва кўмакка муҳтож ҳар бир оила ва фуқаро-

нинг, хотин-қизлар, ёшларнинг муаммолари ўз жойида аниқ ўрганилмоқда, улар вақтида ва самарали ҳал этилмоқда.

Кексалар, ногиронлар, оғир аҳволга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва мурувват кўрсатиш каби эзгу аъёнлар бугунги кунда янгича маъно-маъмун, амалий ҳаракатлар билан бойиб, тақомиллашиб бормоқда. Бу борада, айниқса, **“Обод қишлоқ”**, **“Обод маҳалла”**, **“Беш муҳим ташаббус”**, **“Хар бир оила – тадбиркор”**, **“Ёшлар – келажакимиз”** каби дастурлар ўз ижобий натижасини бермоқда.

Биргина **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла”** дастурлари доирасида 2021 йилда барча шаҳар ва туманлардаги жами 7 минг 794 та қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20,8 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керакки, **миллий тарихимизда қишлоқ ва маҳалларимизни ободонлаштиришга ҳеч қачон бунчалик катта маблағ ажратилмаган, энг муҳими, уларнинг ривожига бу қадар жиддий эътибор берилмаган.**

Ана шундай кенг қўламли ишларни амалга ошириш учун раҳбарлар қулай ва шинам кабинетлардан чиқиб, бевоқиф пахтага, маҳалла даражасига тушиб ишламоқда.

Ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг аниқ манзили хусусиятга эга экани ҳар бир муҳтож инсонга унинг реал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатиш имконини бермоқда. Бунда ушбу тоифага мансуб ҳеч бир инсон эътибордан четда қолмаслигига алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

Тақлиф ва ташаббуслар илгаригидек фақат “тепа”дан эмас, балки кўпроқ қуйидан бўлмоқда. Уларни амалга оширишга эса қуйи, ўрта ва юқори бўғиндаги давлат бошқарув идораларининг самарали ҳамкорлиги иш бермоқда. Шу асосда жамиятимизнинг ижтимоий манзараси бутунлай ўзгармоқда, самарали бошқарувнинг натижадорлиги ошмоқда, энг муҳими, одамларнинг ҳаётга, меҳнатга, ўзининг тақдирини эртанги кунга ишончи ортмоқда.

Мен бундай ўзгаришларни жамият тараққиётининг энг асосий сифат кўрсаткичлари, деб ҳисоблайман.

Албатта, ижтимоий ҳимоя тизимидаги айрим камчилик ва нуқсонлар сақланиб қолмоқда. Биз уларни босқичма-босқич бартараф этамиз, ушбу тизимни тақомиллаштириб, яхши натижа берадиган, жамиятдаги барча соғлом кучларни шу мақсад атрафидида бирлаштирадиган даражага етказамиз.

Муҳтож фуқароларни тўғридан-тўғри, аниқ мақсад билан моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишда асосий эътибор аҳолининг кам таъминланган қатламларига дотация бериш эмас, балки уларга даромад топиш учун зарур шароит ва имкониятлар тугдиришга қаратилмоқда.

Иккинчи устувор вазифа: иқтисодий тараққиёт соҳасида ўсиш нуқталарини аниқлаш ва уларга алоҳида аҳамият қаратиш, шу тариқа Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муҳим роль ўйнайди.

Масалан, биз учун ўта муҳим бўлган тўқимачилик тармоғини олайлик. Корхоналаримиз бу соҳада пахтани етиштиришдан бошлаб уни чўқур қайта ишлашга, яқуний маҳсулот ишлаб чиқаришга қадар бўлган барча технологик жараёнларни пухта ўзлаштириб, экспорт ва фойда ҳажмини бир неча баробар оширган тақдирдагина мазкур йўналишда етакчи мамлакатларнинг ишлаб чиқарувчилари билан рақобатлаша олиши мумкин.

Она заминимиз бағридаги бой хомаша ва қазилма бойликларни эл-юртимиз манфаатлари йўлида ишлаши мақсадида юқори самарали, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилмоқда. Шу борадаги сазй-ҳаракатларимиз туфайли кейинги йилларда Қандим газни қайта кийлиш комплекси, Тошкент металлургия заводи каби йирик ва ноёб объектлар ишга туширилди, Навоий қон-металлургия мажмуаси ҳамда Ўзбекистон металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Ана шу ишларимизнинг давоми сифатида яқинда етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда лойиҳа қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Олмалиқ қон-металлургия комбинатининг янги мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланганидан хабарингиз бор.

Биз иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган хусусийлаштириш жараёнида фақат давлат корхоналарини

сотиш эмас, балки уларнинг рақобатдошлигини ошириш, иқтисодий соҳадаги миллий манфаатларимизни мустақамлашга хизмат қиладиган мутлақо янги ёндашувларни қўллашга устувор аҳамият бермоқдамиз. Давлат активларини сотишда шаффофик ва самарадорликни, кенг жамоатчилик иштирокини таъминлайдиган қафолатларни яратиш айниқса ўта муҳимдир.

Учинчи устувор вазифа: биз ҳозирги глобал пандемия даврида аҳоли соғлигини муҳофизат қилиш, жумладан, тадбиркорларни ўз муаммолари гирдобига ташлаб қўймасликни асосий мақсадларимиздан бири сифатида кўрамиз. Чунки ҳар бир тадбиркорлик тузилмаси ортида қанча-қанча инсонларнинг иш ўрни, оилаларнинг даромади, бугунги ва эртанги тақдирини турибди.

Янги Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнес субъектлари сони кейинги пайтда икки баробар кўпайди, ушбу тармоқдаги 50 фоиздан зиёд корхоналар фақат кейинги уч йилда ташкил этилган. Бу эса мамлакатимизда муҳим ижтимоий қатлам – ўрта синфнинг кучайиши учун пухта замин бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш бар

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА АМАЛИЙ ИШЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

▶ (Давоми. Бошлангичи 1-2-саҳифаларда).

ва тизимли трансформация қилишни бошладик. Ушбу соҳани иқтисодийнинг асосий драйверларидан бирига айлантириш – бош мақсадимиздир. Шу мақсадда 2020-2030 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган **Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясида** тармоқни ривожлантириш борасидаги асосий вазифалар аниқ-равшан белгилаб қўйилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат сектори ва қишлоқларни яқин ўн йилда жадал тараққий эттириш режаси кўзда тутилди.

Аграр соҳада ишларни бутунлай янги асосда ташкил этиш орқали тармоқнинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, ушбу йўналишда минглаб янги иш ўринлари яратиш ва қишлоқ жойларда одамларнинг ҳаёт даражасини юксалтириш сари муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Бешинчи устувор вазифа: пандемия даврида халқимизнинг соғлиги ва ҳаётини асраш биз учун энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу мақсадда 2021 йил учун давлат бюджетидега 3 триллион сўм захира шакллантирилди. Ушбу маблағ ҳисобидан тиббиёт соҳасида кўпгина чора-тадбирлар, жумладан, аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иқтисодиётга ўтказиш, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина хизмати йўлга қўйиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятларни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тиббиётнинг бирламчи бўғинини кучайтириш, айниқса, қишлоқ ва маҳалаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоралари қўрилмоқда. Жумладан, бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори штат библиги ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат “тиббий бригадалар” ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда хусусий тиббий клиникалар очишга кенг имкониятлар яратиб берилаётганига қарамастан, жойларда гемодиализ, тиббий диагностика ва реабилитация хизматлари бўйича шифохоналар етишмаяпти. Шунинг учун давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни кўпайтириш, 170 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмасини компания томоғрафлари билан таъминлаш, улардан фойдаланиш бўйича ходимлар малакасини оширишга қаратилган амалий ишлар бошланди.

Тиббиётдаги яна бир мураккаб муаммо – юқори малакали кадрлар етишмаслигидир. Шу боис янги ўқув йилдан бошлаб клиник ординатуранинг қабул квотаси икки баробар оширилади. Вилоят ҳокимликлари ўз ҳудуди учун зарур бўлган ана шундай мутахассис-шифокорларни тайёрлашга маҳаллий бюджетдан грантлар ажратди.

Мамлакатимизда инсон аъзоларини трансплантация қилиш бўйича қонуний асосларни ишлаб чиқишни бошладик. Бу борада норматив-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги тўғрисида илгари донорлик қилувчи шахс беморнинг яқин қариндоши бўлмаса, трансплантация учун рухсат берилмас эди. Кўпчилик фуқароларимиз бундай тиббий операцияни чет элда ўтказар, хорижга боришга қурби етмаганлар эса чорасиз аҳволда қолар эди.

Бизни энг қўйнайдиган масалалардан бири – соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция ҳолатларидир. Ўтган йилнинг ўзида тизимда 30 миллиард сўндан ортиқ маблағни талон-торож қилиш ҳолатлари аниқланди ва айбдорлар қонуний жазага тортилди. Шунинг учун бу соҳада таъсирчан назорат тизимини ўрнатишга, аввало, жамоатчилик назоратини кучайтиришга жиддий аҳамият берилмоқда.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, одамлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб этиш нафақат тиббиёт соҳаси, балки бутун жамиятимиз олдидagi долзарб вазифадир. Ҳар бир инсон ўзи соғлиги ҳақида аввало ўзи ўйлаши, ғамхўрлик қилиши керак. Айниқса, коронавирус пандемияси бутун ер юзиде, жумладан, юртимизда ҳам давом этаётган ҳозирги пайтда бунинг аҳамияти бекиёсдир.

Шу боис бепарволикка, лоқайдликка берилишга асло ҳаққимиз йўқ. Коронавирус хали ҳам ёнимизда, биз билан бирга яшамоқда. Шунинг учун мамлакатимизда тегишли тиббиёт марказлари, дори-дармон ва химоя воситаларининг етарли захираси шакллантирилди. Ҳу-

дудларда 60 та кислород станциясини ишга тушириб, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларини кислород билан узлуксиз таъминлаш бўйича ишлар жадал олиб боришмоқда. Юртимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

Республикаимизда шу йил 1 апрелдан бошлаб аҳолини коронавирусга қарши эмлаш жараёнлари узлуксиз давом этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни ўз соғлиғига масъулият билан қараб, бу хавфли касалликка қарши эмлаш тадбирларида фаол иштирок этишга яна бир бор қадирман.

Олтинчи устувор вазифа: биз янги шартларда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга интилоқдамиз. Бундай ёндашув – бугунги ва келгуси ривожланишимиз учун мустаҳкам пойдевордир.

Шу маънода, **Янги Ўзбекистонни барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетакорор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таъниб, мустақил миллий тарқиқий йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир.**

Кейинги йилларда маданий-гуманитар йўналишда – маданият, кино, рақс ва тасвирий санъат соҳаларини, адабиёт ва китобхоналикни ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишларимиз халқимизга яхши маълум, албатта. Хусусан, халқаро мақом анжумани, бахшичилик ва миллий хунармандчилик фестивалларини ташкил этганимиз ва юксак савияда ўтказганимиз Янги Ўзбекистонни дунёга кенг тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Миллий тарихимизни ҳоли ва ҳаққоний таъдиқ этиш учун бугунги кунда Ўзбекистонга оид ҳужжатдаги маданий бойликларни таъдиқ этиш маркази, Фанлар академияси қотида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази, “Ўзбекистон тарихи” телеканали фаолият қўрсатмоқда.

Ислом дини ривожини йўлда беқиёс хизмат қилган буюк муҳаддис бобола-римизнинг диний ва илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Самарқандда – Имом Бухорий, Сурхондарёда – Имом Термизий халқаро илмий-таъдиқот марказлари, шунингдек, Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-таъдиқот маркази иш олиб бормоқда.

Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизациясини маркази халқимизнинг бой диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлодларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда беқиёс ўрин тутадиган илм-маърифат марказига айланади.

Биз ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб, бу соҳадаги фаолиятимизни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. **“Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”** ҳамда **“Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”** шу йил март ойида қабул қилинган Президент қарорлари айни шу соҳадаги вазифаларни самарали ҳал этишга қаратилгандир.

Янги Ўзбекистон нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларда барча соҳалар қатори маънавий-маърифий масалаларга оид ташаббусларни ҳам дадил ўртага қўймоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз томонидан бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида **“Маърифат ва диний бағрикенглик”** резолюциясини қабул қилиш бўйича илгари сурилган ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Яқинда мазкур резолюция қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шунингдек, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеонанжуман шаклида ўтган саммитида илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларини, шунингдек, туркий дунё билгиларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган атоқли шахсларни рағбатлантиришга қаратилган яна бир муҳим ташаббусимиз қабул қилиниб, Туркий кенгашнинг **Алишер Навоий номидаги халқаро муқофоти** таъсис этилди. Биз буни барча туркий халқларнинг фахру ифтихори бўлган ҳазрат Алишер Навоий бобомизга, шундай улғу зотларни тарбиялаб вояга етказган халқимизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

Савол. Янги Ўзбекистонни барпо этишда ташқи сиёсатга, дунёдаги олис ва яқин давлатлар билан дўстона ҳамкорлик

алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ички ва ташқи сиёсатнинг ўзаро боғлиқ ва уйғун жиҳатлари нималарда намоён бўлади?

Жавоб. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, биз мамлакатимиз янгилаш даврига қадам қўйган биринчи кунлардан бошлаб очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиш, дунёдаги барча тараққийпарвар мамлакатлар, айниқса, кўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратмоқдамиз. Ўзбекистон ўтган даврда ана шу стратегий йўлга доимо содиқ қолиб, ўз шериклари ҳамда халқаро ташкилотлар олдидаги мажбуриятларини тўлиқ бажариб келмоқда.

Ўтган тарихан қисқа даврда юртимизнинг Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги сиёсий ўрни ва нуфузи кескин ошди. **Дунёда Янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди.**

Биринчи навбатда, кўшни давлатлар билан муносабатларимизда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар ҳал этилди. Чегаралар очилди. Кўшни – кўшниси билан, ака – укаси, ота – боласи, қариндош – қариндоши билан узилиб қолган алоқаларни тиклаб, бир мамлакатдан иккинчи давлатга эмин-эркин бориб кела бошлади. Виза масалалари ҳал этилди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларимиз жадал ривожланмоқда.

Азал-азалдан ўзаро қардош ва биродар бўлган мамлакатларимиз кўпгина минтақавий ва глобал масалалар, ижтимоий-иқтисодий тараққий бўйича яқин ҳамкорликка ҳаракат қилишни бошлади. Жаҳон сиёсатшунослигида **“Марказий Осиё руҳи”** деган ибора пайдо бўлди. Шу йилнинг 5-6 август кунлари Туркменистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви бу жараёнга янги мазмун ва куч бағишлаши билан эътиборлидир.

Ана шу мисолларнинг ўзиёқ ички ва ташқи сиёсатнинг бир-бирига нақадар боғлиқ ва ҳаммазон эканини кўрсатади. Энг муҳими, ички ва ташқи сиёсатимиздаги ана шундай уйғунлик халқимиз манфаатларини қўллаб амалга оширилмоқда ва бунинг натижасини оддий одамлар ўз ҳаёти ва тақдирда хис этмоқда.

Яна бир муҳим томони шундаки, Ўзбекистон бугун ўзининг узокни қўлгаган сиёсати билан минтақамиз ва жаҳондаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Парламентлараро Иттифоқ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди.

Мамлакатимиз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик иттифоқи ҳузурда кузатувчи мақомини олди. Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди ва унинг 2021 йил 22 февралда Женева шаҳрида видео-анжуман шаклида бўлиб ўтган 46-сессиясида муваффақиятли иштирок этди.

Ўтган йили мамлакатимиз илк бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига раислик қилди ва пандемияга қарамастан, МДҲ доирасида кўзда тутилган 60 дан зиёд барча халқаро тадбирлар самарали ўтказилди, 70 га яқин муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларидаги интеграция ва ҳамкорлик жараёнларини фаоллаштиришда тобора муҳим роль ўйнамоқда. Шу йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида **“Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар”** мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда мамлакатимиз томонидан илгари сурилган янги тақдиф ва ташаббуслар нафақат ушбу бепоеё минтақалар давлатларида, балки жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, Марказий Осиёни Хинд океани билан боғлайдиган янги транспорт йўллари барпо этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Конференция Тошкент руҳини яна бир қарра намоён этди.

Бугунги кунда **Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси** тақомиллаштирилмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатда ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшнчилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги

алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг асосий хорижий шериклари ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амириклари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали, ўзаро манфаатли алоқалари янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин кўшниси сифатида бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдордир.

Маълумки, Ўзбекистон 2021-2022 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилади. Ҳозирги вақтда биз бу муҳим сиёсий тадбирни юқори савияда ўтказиш учун жиддий тайёргарлик ишларини олиб бормоқдамиз.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сўз ва диний эътиқод эркинлиги, гендер тенглик бўйича эришаётган ютуқларимиз нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда изчил мустаҳкамланиб бормоқда.

Дунёнинг қўллаб мамлакатларидаги юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш ва улар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида **“Ватандошлар” жамғармаси** ташкил этилди. Жамиятимизда миллатлараро тоғувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Ҳар йили Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланадиган 30 июль санаси Ўзбекистонда **“Халқлар дўстлиги куни”** деб эълон қилинди. Бу йил ушбу байрам мамлакатимизда биринчи бор кенг нишонланди. Бунинг ҳам ички ва ташқи сиёсат омилири бirlашадиган муштарак ҳодиса сифатида қабул қилиш мумкин.

Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам экологик муаммоларни ҳал этишга жиддий эътибор берилмоқда. Кўшни давлатлар ва жаҳон жамоатчилиги билан биргаликда Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни қатъий давом эттирилмоқда. Денгизнинг қуриган тубида ўз минглаб гектар ўрмон ва бутазорлар ташкил этилмоқда, Оролбўйи ҳудудларида улкан қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда тузилган **Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фонди** фаолияти муҳим роль ўйнамоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, Ўзбекистоннинг **Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди** деб эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги муҳим ташаббуси 2021 йил 18 май куни Ассамблея томонидан бир овоздан маъқулланганини кайд этиш ўринлидир. Ушбу резолюцияни ишлаб чиқишда АҚШ, Россия, Хитой, Туркия, Озарбайжон каби дунёдаги нуфузли давлатлар, жами 50 мамлакат умумлашди сифатида иштирок этгани бу ташаббус жаҳон ҳамжамиятида қандай катта қизиқиш уйғотганидан далолат беради.

Савол. Ислохотлар самараси кўп жиҳатдан раҳбар кадрлар, айниқса, маҳаллий ҳокимларнинг билим ва тажрибаси, сиёсий савияси ва маданиятига боғлиқ. Шу маънода, Президентнинг жойлардаги вазифалари бўлган ҳокимларнинг иш фаолияти Сизни қониқтирадими?

Жавоб. Мен бу ҳақда ўтган йили Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эдим. Нафақат ҳокимлар, балки барча бўғиндаги ақсарият катта-кичик раҳбарлар да билан ва тажриба, ташкилотчилик салоҳияти, эл-юрт иши учун фидойилик туйғусининг етишмаслиги мени қўйнайдиган энг мураккаб масаладир.

Тўғри айтдингиз, жойларда ислохотларнинг самарали амалга оширилиши биринчи навбатда ҳокимларга, уларнинг билан ва тажрибаси, ишбилармонлик хусусиятларига боғлиқ. Энг муҳими, улар одамларнинг ишончини қозонган бўлиши шарт. Аҳоли жойлардаги раҳбарларга, уларнинг иши, хизмат ва муомала маданияти, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий савиясига қараб, давлат ҳокимиятига баҳо беради. Лекин очик айтиладиган бўлсак, ҳокимлар, умуман, қуйи бўғиндаги раҳбарларнинг барчаси ҳам эл-юрт ўртасида етарли обрў-эътиборга эга эмас.

Афсуски, кўпчилик раҳбарлар қалқнинг ичига кириб, одамларнинг дарду ташвишлари билан яшашни қандайдир иккинчи даражали иш, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам улар кўп-кўп масалаларда заиф ва ожиз бўлиб қолмоқда.

Аслида халқ билан мулоқот, доимо ин-

сонлар ташвиши ва муаммоларини ўйлаб яшаш ҳар қандай раҳбар учун биринчи ва муқаддас вазифа бўлиши шарт. Раҳбар билан ва бошқарув маданияти, ҳаётий билим ва тажрибалар қаердан бошланади? Халқ билан бевосита мулоқот қилишдан бошланади. Айниқса, қуйи поғонадаги раҳбарлар ўз дунёқарабини ўзгартириб, оддий фуқарога елкадош бўлиб, тадбиркорга дўст бўлиб ишламаса, биз қанчалик кўп куч ва маблағ сарфламайлик, фармон ва қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, жойларда ислохотларимизнинг олдинга юриши қийин бўлади.

Яширишнинг ҳолати йўқ – жуда оғир, тахликали ва шафқатсиз рақобат замониде яшаймиз. Дунё шундай шиддат билан ўзгаряптики, чекаги сиёсий-иқтисодий тахлик ва башоратлар бугунги кунга тўғри келмаяпти. Ўзаро қарама-қаршилик, “савдо урушлари”, экологик муаммолар кучайиб бормоқда. Ана шундай мураккаб шариотда эл-юрт билан ҳамдард, ҳамнафас бўлиб яшамайдиган, ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган оддий ҳақиқатларни ташунайидиган мансабдорларнинг раҳбар сифатида келажиги йўқ. Уларга бирон-бир масъулиятли вазифани ишониб ҳам бўлмайди.

Бир пайтлар мен ҳам ҳоким бўлиб ишлаганман. У вақтлардаги шариотни ҳозирги имкониятлар билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Кўп-кўп масалаларда қўл-оёғимиз боғланган эди, ҳамма нарсани “тепа”нинг қош-қовоғига қараб бажаришда тўғри келарди. Энг ёмони, қуйи бўғиндаги муаммолар бўйича юқори идоралардаги салқин кабинетларда ўтирган, қишлоқ ёки овулларда қийнаиб яшаётган одамларнинг дарду ташвишларидан бутунлай йироқ бўлган, жойларда аҳвол қандай эканини тасаввур ҳам қилмайдиган валломатлар қарор қабул қиларди.

Бугун эса ҳокимлар мустақил қарор қабул қилиб, мустақил иш олиб бориш ваколатига эга. Улардан илгаригидек ҳар бир қадамни Тошкентда, марказий идоралардаги мутасаддилар билан келиши, бўлар-бўлмасга ижозат сўраш талаб этилмайди.

Ҳоким, раҳбар инсон сифатида нима-дунгир билмаслиги ёки кўздан қочириши, хатога йўл қўйиши мумкин, бунинг ташуна-са бўлади, лекин у ана шу хатоларини тан олмаса, уларни тузатишни истамаса, ўқиб-ўрганишга, янгица ишлашга, ўз билим ва тажрибасини оширишга интилоқ-маса, манфаатпарастлик ва маишатга берилган бўлса, бу ҳолатни мутлақо ке-чириб бўлмайди.

Менинг асосий талабим – одамларни ташуниши, уларнинг қувончу ташвишлари билан яшаш, ён-атрофдаги вазиятга оддий халқнинг кўзи билан қараш ва баҳо бериш, элулуддан ажралаб қолмаслик керак. Шунданга ҳудуд ёки тармоқни бошқариши ва муҳим қарорлар қабул қилишда аниқ самара бўлади.

Ҳар бир раҳбарнинг фаолият мезони – бу халқнинг орзу-умидларини ўзи учун асосий мақсад қилиб, уларни изчиллик билан рўёбга чиқаришдан иборат.

Ҳоким ва вазирларимиз, компания ва банкларимиз раҳбарлари орасида фаол, ишнинг кўзини биладиган, чуқур фикр-лайфдан янги вавод вакиллари етишиб келадигани мени қувонтиради. Улар халқ билан очик мулоқот қилмоқда, ташаббус қўрсатмоқда, юқоридан қўрсатма кутиб ўтирмасдан, мустақил ва дадил иш олиб бормоқда.

Афсуски, баъзи етакчи ва мутасаддилар манманликка берилиб, ҳаволидан, оёғи ердан узилганини билмай қолади. Бу – улар учун ҳақиқий фожа. Албатта, бундай раҳбарларга бизнинг савимизда ўрин бўлиши мумкин эмас. Бу нафақат Президентнинг, айни пайтда халқимизнинг, ҳаётнинг талабидир.

Савол. Сиз давлат раҳбари учун халқ билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини доимо таъкидлаб келасиз. Лекин ҳаётда барча масалалар бўйича халқ билан гаплашиш, унинг фикрини олишнинг имкони борми? Сиз ана шундай “бушлақ”ни тўлдиришга қандай эришасиз?

Жавоб. Мен Президент сифатида иш бошлаган биринчи кунларданок ўз командамни ҳақиқий ҳолатга мутлақо алоқаси бўлмаган баландпарвоз гаплар ва “чиройли” рақамларни ёқтирмастлигини айтиб, қаттиқ оғохлантирганман.

Қанчалик аччиқ ва нуқулай бўлмасин, мен фақат тўғри ва ҳаққоний маълумотни билишни истайман. Бу мен учун тўғри қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Албатта, бу талабни ҳамма ҳам ташу-ниб етгани йўқ, ҳалиям эскича усулда маълумот беришга уринишлар бўлиб ту-

ради. Лекин мен бундай ҳолатларга йўл қўймастикка ҳаракат қиламан. Ана шу ҳақиқатни ташунамаганларнинг кўпчилиги билан хайрлашдик ва бу масалада талаб доимо қаттиқ бўлади.

Халқимиз, Ватанимиз манфаатлари, жамиятимизнинг келажиги, фарзандларимизнинг бахтини таъминлашга қаратилган бугунги ислохот жараёнларининг ўзи шуни талаб этмоқда. Бу борада бошқача йўл тутишга ҳақимиз йўқ.

Яна бир бор айтаман, раҳбар ва мутасадди шахслар ўртасида кимки, ана шу ўткир талабни ташунамаса, қанчалик оғир бўлмасин, улар билан хайрлашамиз.

Менинг мамлакатимиз бўйлаб амалга оширадиган ҳар бир ташрифимдан асосий мақсад – халқ қандай яшаётгани, нима билан нафас олаётганини билишдан иборат. Бу – ўта муҳим масала. Шунинг учун кўп ҳолларда сафар давомида йўналишни тўсатдан ўзгартиришимга тўғри келади. Бундай қутилмаган, ҳеч қандай протоколда қайд этилмаган “маршрут”лар жойлардаги раҳбарларни бўшашмасдан, доимо ишчан ҳолатда туришга ўргатади, деб ўйлайман.

Афсуски, неча бор айтишим, оғохлантиришимга қарамастан, жойларда фақат менинг ташрифим олдида кўча ва майдонларни тозалаш, бир кечада бинолар олдида “майсазор” ва “гулзор”лар пайдо қилиш, умуман, ҳақиқий ҳолатни бўяб кўрсатишдек хўжақўрсин ишлар давом этмоқда. Кўзбўямачилик, одамларни қийнаш, сохта ва баландпарвоз гапларга ўчлик йиллар давомида баъзи раҳбарларнинг қон-қонига ша қадар сингиб кетган экани, улардан қутулиш қийин бўляпти. Лекин қандай бўлмасин, бу каби иллатларга бутунлай чек қўйишимиз керак. Чунки бундай ҳолатлар рустўй, сохта гап ва ишни умуман қабул қилмайдиган халқимизнинг асл табиатига мутлақо ётдир.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг иши Президент келиб кетиши билан туғамасдан, аксинча, ташрифдан кейин янгидан бошланиши, ҳатто олдингидан ҳам қўпайиши лозим. Ш

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА АМАЛИЙ ИШЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

▶ (Давоми. Бошланиши 1-2-3-саҳифаларда).

сан ўзим омвий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда берилмаётган янгиликлар, улар орқали билдирилаётган долзарб фикрлар, жамоатчиликнинг диққат-этиборини тортаётган воқеа-ходисалар билан имкон қадар, бевосита танишиб боришга ҳаракат қиламан.

Бир сўз билан айтганда, замонавий ахборот технологиялари ривожланган бизнинг давримизда реал ҳаётдан бутунлай узилиб қолиш мумкин эмас. Шунга қарамайдан, халқ билан турли кўринишдаги, дейлик, бу режадаги тадбир бўладики, яна маҳалла, туман, қайсибир муассасага қўйилмаган ҳолатда кириб бориш орқали бўладики, умуман, бевосита мулоқот ҳамиса керак, деб ҳисоблайман.

Ғуқаролар, кенг жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинаётган барча муаммолар эътибор қаратишни талаб этади. Уларни инкор қилиш мумкин ҳам эмас. Албатта, жамиятдаги қонун бузилиши, адолатсизлик, инсон ҳуқуқларига бепасанд муносабат, коррупция билан боғлиқ ҳолатларга бепарво қараб бўлмайди. Тизимли тус олган ёки жузъий муаммо бўладики, уларнинг барчасига дарҳол муносабат билдириб, тағиға етиш ва ҳал этиш зарур.

Масалан, кейинги йилларда туб ислохотлар даврига қадам қўйган мамлакатимизда тараққиёт кушандаси бўлган иллат – коррупцияга қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2020 йилда турли даражадаги мансабдорлар томонидан содир этилган жиноятлар учун 1723 шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Улар томонидан етказилган зарар 500 миллиард сўмни ташкил этган. 2021 йилнинг беш ойида эса 1696 нафар мансабдорга нисбатан жиноий ўзи очилган. Етказилган зарар 450 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу моддий зарарлар айбдорлардан ундириб олинди. **Коррупция балосини жамиятимиз ҳаётидан йўқ қилишга қаратилган сиёсат келгусида ҳам қатъий давом эттирилади.**

Савол. Юртимизда аҳоли учун энг долзарб ва ўткир ҳаётий масала бўлган замонавий тураржойлар, жумладан, арзон уй-жойлар қуришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу йўналишдаги ишларнинг қўлини истиқболда қандай бўлади?

Жавоб. Мамлакатимизда кейинги йилларда замонавий уй-жойлар қуриш бўйича янги давр бошланди, деб бемалол айтиш мумкин. Бунинг тасдиғини сўнгги тўрт йилда аввалги йилларга нисбатан 4-5 баробар кўп уй-жойлар барпо этилгани, бу йилнинг ўзида 54 минг оилани янги уй-жойлар билан таъминлаш бўйича кенг қўламдаги қурилиш ишлари олиб борилаётганини мисолида аққол кўриш мумкин.

Биз ўзи олдимизга қўйган энг муқаддас – халқимизни рози қилиш йўлидаги улкан вазифалар, ислохотларимиз, қолаверса, бугунги ҳаётнинг ўзи замонавий уй-жойлар қуриш сўрағи ва сифатини янада оширишни талаб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биз илгари уй-жой қурилишига замон талабларинан келиб чиқиб, бундай кенг ёндашганимиз ва ҳозиргида кенг қўламдаги қурилиш ишларини амалга оширмаганимиз.

Биз бў йўлда дастлабки қадамларни қўйиб, катта тажриба орттирмоқдамиз. Барча ҳудудларимизда аҳоли учун қўлай ва шинам, барча замонавий шaroитларга эга бўлган уй-жойлар барпо этилмоқда. Ипотека бозори ривожланмоқда. Ҳаётимизга “арзон уй-жойлар”, “ақлли уй”, “ақлли шахар”, “рақамли хизматлар” деган янги тушуновча ва кўникмалар кириб келмоқда.

Келгусида уй-жой фондиди шундай даражага олиб чиқишимиз керакки, аҳолининг барча қатламлари уй-жой сотиб олиш ва бу борада танлаш имконига эга бўлиши лозим.

Албатта, бу борада турли муаммолар ҳам мавжуд ва биз уларни жойлардаги маҳаллий бошқарув органлари билан биргаликда ҳал этишимиз.

Мисол учун, кўпқаватли уйлар оралиғидаги бўш жойларда қурилишлар қилиши, мораторий эълон қилинганга қарамайдан, дарактларни кесиб, яшил ҳудудларни камайитириш ҳолатлари кўпчилики раنجитмоқда. Баъзи раҳбарларнинг бепарволиги ёки манфаатпарастлиги тўғайли тураржой мавзеларида одамлар сайр қиладиган, спорт билан шугулланадиган, фарзандлари билан бирга тоза ҳовода дам оладиган очик жойнинг ўзи қолмапти.

Албатта, биз бундай ҳолатларга нисбатан қатъий чоралар кўрмасдан ту-

ролмаймиз. Шунинг учун ҳам Тошкентда ва бошқа йирик шаҳарларда янги қурилишларни шахар ташқарисиди ҳудудларда амалга ошириш чоралари белги-ланмоқда. Тураржой мавзелари ичида коммунал инфратузилмалар – газ, электр энергияси, ичимлик суви ва канализация тармоқларини модернизация қилмасдан, янги бинолар қуриш амалиётига барҳам берилди.

Савол. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, билим ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун зарур шaroитлар яратилмоқда. Юртимизда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилинган бунинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш жараёнида ёшларнинг ўрни ва асосий вазифалари нималардан иборат, деб биласиз?

Жавоб. Ёшлар – халқимизнинг асосий таянчи ва суянчи. Кенг қўламли ислохотларимизни самарали амалга оширишда улар ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Айнан замонавий билим олган, илгор касб-хунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутади.

Маълумки, ёшлар янгича фикрлашга, янги-янги гоёларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва ноҳандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакиллари-нинг билим олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шaroитларни яратишга устувор аҳамият бермоқдамиз.

Имом Бухорий бобомиз тўплаган мур-борак ҳадислардан бирида: **“Ёшиқда ўрганилган илм тоғша ўйилган нақш кабидир”**, деб айтади.

Буюк алломаларимиз ана шундай ҳик-матларга амал қилиб, илм-фан соҳасида буюк кашфиётларни амалга оширганлар-ри ва умумбашарий тафаккур ривожига бекиёс ҳисса қўшганлари тарихдан яхши маълум.

Ана шундай қўтлуғ аънаналарни да-вом эттириб, юртимизда янги Хоразмий-лар, Фарғонийлар, Берунийлар, ибн Си-нолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоийларни тарбиялаб етказиш – нафақат вазифа-миз, балки тарих ва келажак олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Биз бў йўлда катта ишларни бошла-дик. Мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатдош кад-рлар тайёрлаш мақсасида олийгоҳлар со-ни 141 тага етказилди, 26 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари очилди. Ҳолбуки, 2016 йилда республи-камиздаги олийгоҳларнинг сони 77 та эди. Қисқа муддатда бу борада қарий икки баробар ўсишга эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, ёшларимиз, бутун жамияти-мизнинг интеллектуал салоҳиятини оши-риш, замонавий билим, касб-хунарларга янада яқинлаштириш йўлидаги харакат-ларимиз натижасидир.

Кейинги беш йилда олий таълимга қа-бул квотаси 3 баробар оширилиб, **жорий йилда 182 минг нафар ёшлар учун талаба бўлиш имконияти яратилди. Бу – умумий қамров 28 фоизга етди, деганидир.** Узингиз қиёслаб кўринг, 4 йил аввал бу рақам атиги 9 фоизни таш-кил этарди. Бу борада давлат грантлари 21 мингтадан 47 мингтага кўпайтирил-гани, ўтган йилги тажрибамизни янги босқичга кўтариб, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 минг нафар қизларга бў йил олийгоҳларга кириш учун алоҳида грант-лар ажратилгани ёшларимиз келажакни таъминлашга қаратилган амалий эътибо-римиз намунасидир.

Биз 2030 йилга қадар мактаб, лицей ва коллеж битирувчилари-ни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказишни режа қилганимиз ва бунга албатта эришамиз.

Бу йил Тошкент шаҳрида энг юк-сак халқаро талабларга жавоб беради-ган **“Янги Ўзбекистон” университе-ти** ташкил этилди. Ушбу университет мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлиари учун намуна бўлади. Энг били-мли ва истеъодли ёшларимиз шу ерда ўқийди.

Биз узлуксиз миллий таълим-тарбия тизимининг барча босқичларини уйғун ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Охириги тўрт йил-да **болаларимизни мактабгача таъ-лим билан қамраб олиш даражаси**

илгариги 27,7 фоиздан 2 баробар ор-тиб, 60 фоизга етгани, боғчалар сони эса 3 марта кўпайиб, 14 мингдан ош-гани ана шундай ислохотларимиз на-тижасидир.

Ҳозирги вақтда юртимизда **“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”**, деган гоя асосида мактаб таълими тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида ва ҳудудларимизда Президент мактаб-лари, ижод ва ихтисослашган мактаблар сони кўпайиб бормоқда.

“Беш муҳим ташаббус” дастури, “Бар-камол авлод” марказлари доирасида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўт-казиш учун бу йилнинг ўзида 36 мингта қўшимча тўғарак ташкил этилиб, 874 мингта яқин бола уларга жалб этилди. Шунингдек, таълим муассасалари, кутуб-хона ва ўқув марказларига қарий 100 мингта санъат ва спорт инвентарлари, компьютерлар, 600 мингта яқин китоб етказиб берилди.

Айниқса, навқирон ўғил-қизларимиз-нинг тадбиркорлик соҳасидаги гоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш, уларни иш ва даромад манбаи билан таъмин-лашга давлат миқёсида катта аҳамият берилмоқда. Ана шундай эътибор тўғай-ли сўнгги тўрт йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, 500 мингдан ошгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу соҳа ривожига муҳим роль ўйнамоқда. Бу йилнинг ўзида 92 мингдан зиёд ёшлар-нинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 2 триллион 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилгани бундай ёшлари-миз сафиди янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Маҳаллаларда ташкил этилаётган касб-хунарга ўқитиш курсларида минг-лаб ўғил-қизларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ху-нарларни эгалламоқда.

Бу йилдан бошлаб, ҳар бир тумanning имконияти ва ривожланиш йўналиши-дан келиб чиқиб, қишлоқларда ёшларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратиш бошланди. Натижада қишлоқда яшаётган 230 мингдан ортиқ ёшга 61 минг гектар ер майдони ажратиб бе-рилди. Шунингдек, галладан бўшаган ерлардан яна 75 минг гектари 170 минг нафар ёшларга тақририй экинлар экиш учун ажратилди.

Ёшлар ўртасида камбағалликни ка-майитириш, уларни ўзини ўзи банд қилиш-га рағбатлантиришда “Ёшлар дафтари”, ёшлар дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишларимиз муҳим аҳа-миятга эга бўлмоқда. Шу йилнинг 8 ойи мобайнида “Ёшлар дафтари”га киритил-ган 430 минг нафар йигит-қизнинг муам-моларини ҳал этиш учун 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жумладан, “Темир дафтар”даги оилалар фарзанд-лари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт пуллари тўлаб берилди.

Бу йилдан бошлаб иш берувчиларга уларнинг 25 ёшдан ошмаган ишчи-ҳодим-лари учун ҳисобланган ижтимоий солиқ миқдорини бюджетдан тўлиқ қайтариб бериш тартиби жорий қилинди. Натижа-да жорий йилнинг иккинчи ярмида 170 миллиард сўм, келгуси йилда эса 500 миллиард сўм маблағ 240 минг нафар ёшни ишга қабул қилган тадбиркорлар ихтиёрида қолади.

Талаба-ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган янги тизим асосида ётоқхона билан таъминланмаган 62 минг нафар ўғил-қизларимизга ойлик ижара тўлови-ни 50 фоиз бюджетдан тўлаб берилди.

Албатта, бу борадаги ишларимиз на-фақат изчил давом эттирилмоқда, бал-ки янада юқори босқичга кўтарилимоқ-да. Шу мақсадда 2021 йил 13 июлда қабул қилинган **“Ёшларни ҳар томонла-ма қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида”**ги фармон бў фикрни тасдиқлайди.

Мазкур ҳужжатда мамлакатимиз ёшлари учун қўшимча 30 дан ортиқ янги имтиёз ва имкониятлар яратиш кўзда тутилган. Ана шундай имкониятлардан фақат биттаси ҳақида фикр юритмоқчи-ман. “Темир дафтар”га киритилган оила-ларнинг олийгоҳларда таълим олаётган фарзандларининг 2021-2022 ўқув йили-даги контракт пули биринчи ўқув йили учун Давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилди. Бундай имкониятдан юртимиз бўйича 4 мингдан зиёд оилалар фарзанд-лари фойдаланади. Бунинг учун бюд-жетдан 29,2 миллиард сўм ажратилди.

Юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қув-ватлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши, иш жойи ва уйига эга бўлиши, жамият-да муносиб ўрин топиши, “Меҳрибонлик уйлари”, махсус мактаб-интернатлар ва “Болалар шахарчаси”нинг моддий-техник

базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкам-лашга жиддий эътибор берилмоқда.

Айниқса, “Меҳрибонлик уйлари”даги болаларни оилга яқин муҳитда тарбия-лаш, билимли, касб-хунарни ва маънави-ятли, ватанпарвар инсонлар этиб воғга етказиш – ҳаммамизнинг муқаддас бур-чимиз. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, “Меҳрибонлик уйлари” ва махсус мактаб-интернатларда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш бўйича янги тизимни жорий этмоқдамиз.

Ана шундай ўқув-тарбия муассасала-ри тарбияланувчиларининг муаммолари-ни ўрганиш ҳамда ҳал этиш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш бўйи-ча янги тизим – **“Меҳр дафтари”** жорий этилмоқда. Шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш тартиби белги-ланди. Унга кўра, ўзига бириктирилган уй-жойга эга бўлмаган ва тураржойга муҳтож сифатида ҳисобда турган ана шундай болаларга улар 18 ёшга тўлган йили умумий майдони 25 квадрат метр-дан кам бўлмаган 1 хонали, воғга етган болалар ўртасида никоҳ тўзилган ҳолат-ларда эса 50 квадрат метрдан кам бўлма-ган 2 хонали квартиралар ажратилди.

Ўйлайманки, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган бундай ислохотлари-миз **буюк Алишер Навоий бобомиз-нинг битта кўнгли ўқсик одамни хурсанд қилиш – Қазбани обод этиш билан баробар**, деган теран маъно-ли сўзларига, меҳр-оқибат, саховат ва олжаноблик каби фазилатларни доимо кадрлаб, улуғлаб яшайдиган халқимиз-нинг орзу-интилишларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамохангидир.

Мен юртимизнинг қайси ҳудуди, шахар ва қишлоғида бўлмайин, албатта, у ердаги ёшлар билан учрашаман. Очик ва самимий суҳбатларда уларнинг соғли-ги, ўқиши, орзу-интилишлари, қишлоғи ёки маҳалласидаги шарт-шaroитлар би-лан қизиқаман.

Биласизми, дунёдаги давлатлар, халқларнинг ривожланиш даражасини кўрсатадиган мезонлар, параметрлар кўп. Лекин мен учун шу борадаги энг муҳим мезон – бу ёшларимизнинг бахти, камолидир.

Янги Ўзбекистоннинг нафаси, сўрғати ва шиддатини аввало азиз ўғил-қизларимизнинг азму шижо-ати, дадил фикр ва таклифларида, эришаётган дастлабки ютуқларида кўраман.

Яқинда **30 июнь – Ёшлар куни-да** навқирон авлодимиз вакиллари билан яна бир бор учрашиб, уларнинг турли соҳалардаги изланишларини кўриб жуда хурсанд бўлдим.

Ишончим комилки, фарзандлари до-имо изланиш ва интилишда бўлган, юк-сак марраларни кўзлаб, олдинга қараб интиладиган халқ ва давлат ўз олдига қўйган мақсадларга албатта етади. Чун-ки бундай ҳаракатлар эртага кудратли тўлқинга айланади, ҳаётимизни бугун кечатида, эртага бугунгидан яхши ва обод қилиш, онгу тафаккуримизни юк-салтиришга олиб келади.

Савол. Мамлакатимизда кейинги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлар-ини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқлар ҳақида сўз бораганда, хотин-қиз-ларнинг ўқиши, билим олиши, меҳнат қилиши, уларнинг соғлигини сақлаш, истеъ-вод ва қобилиятини рўёбга чиқариши, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ген-дер тенглик бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар биринчи навбатда тилга олинмоқда. Бунинг сабаби нимада?

Жавоб. Бунинг сабаби оддий, ал-батта. Чунки дунёдаги ҳар қандай халқ, давлат ва жамиятнинг тараққиёт ва ма-даният даражаси аввало уларнинг хо-тин-қизларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Аёл бор экан, оила деган муқад-дас кўрғон, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор. Аёлларимиз бахтли бўл-са, албатта оиламиз, жамиятимиз ҳам бахтли бўлади.

Хотин-қизлар барча соҳа ва тармоқларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, юксак ҳур-мат-эҳтиромда яшаган мамлакатда албатта тинчлик ва ҳамжиҳатлик, ўсиш ва юксалиш бўлади.

Шунинг учун ҳам биз учун буюк Она тинсоли бўлган аёл зотини халқимиз азал-азалдан улуғлаб, эъзозлайди. Одамзотга асрлар давомида меҳр туй-ғусини сингдириб, уни гўзаллик, вафо ва садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбия-лаб келаётган азиз ва муқаррам зот ҳам оналаримиздир.

Бу ҳаётда нимага, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси мунис ва меҳрибон оналаримиз тўғайлидир. Шунинг учун биз хотин-қиз-

ларимиз олдида доимо қарздорлик ҳисси билан яшаймиз. Уларга ҳар қанча меҳр ва эътибор кўрсатсак, арзийди.

Юртимиз аҳолисининг қарийб яр-мини ташкил этадиган муҳтарам она-лар, опа-сингилларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш борасида давлат си-ёсатини олиб боришда биз айнан ана шундай кадриятларга таянамиз.

Кейинги йилларда бу муҳим масала-нинг амалий ижросига қаратилган 24 та ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, Прези-дентнинг 6 та фармон ва қарори, Вази-рлар Маҳкамасининг 16 та қарори қабул қилинган опа-сингилларимизга бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлик ифодасидир.

Ҳурматли аёлларимиз ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида фаол ишти-рок этиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш-га бекиёс ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг орасида депутат ва сенаторлар, вазир ва ҳокимлар, академиклар, профессорлар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Халқ ўқиту-вчилари, Халқ шоирлари, Халқ артистлари борлигини барчамиз яхши биламиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда Гендер тенгликни таъминлаш бўйича комиссия, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масала-ри қўмитаси, Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши каби тузилмалар опа-сингилларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларни иш ўринлари, уй-жой билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш сифа-тини яхшилаш масалаларига алоҳида эъ-тибор берилмоқда. Бу борада аёлларни касб-хунарга қайта ўқитиш марказ-лари жорий этилган, арзон уй-жойлар дастури амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар йили оғир турмуш шароитида яшаётган аёлларнинг уй-жой бўйича бошланғич бадаллари давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмоқда.

Жамият ҳаётида фаол иштирок эта-ётган, турли соҳаларда ибратли натижа-ларга эришаётган, соғлом ва баркамол авлодин тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган опа-сингилларимиз 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами, Мус-тақиллик куни, турли касб байрамлари муносабати билан давлатимизнинг юксак муқофотлари, шунингдек, **“Мўътабар аёл” кўкрак нишони** билан тақдир-ланмоқда.

Зулфия номидида давлат муқофоти билан тақдирланган қизларнинг сони 367 нафарга етгани ҳам ана шундай иш-ларнинг қаторига қиради.

Суҳбатимиз бошида айтилганидек, “Аёллар дафтари” тизими асосида хо-тин-қизлар ўртасида камбағаллик ва ишсизликни тугатиш бўйича изчил иш олиб борилмоқда.

Савол. Юртимизда хонадонлари-мизнинг файзу фаршаси бўлган кекса авлод вакиллари, муҳтарам фахрийлари-мига алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўр-сатиб келинмоқда. Бу борадаги амалий ишларнинг келгуси ривожига ҳақида ҳам фикрлангизми билмоқчи эдик.

Жавоб. Мен ҳар доим бугунги тинч-осойишта, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳақида ўйлаганимда, бундай ёруғ кун-ларга етиб келишда қанча-қанча авлод вакиллари, ота-боболаримиз тинимсиз меҳнат қилганлари, бошига тушган барча синов ва машақатларни сабр-матонат билан енгиб ўтганларини чуқур мин-натдорлик билан эслайман. Улар ўзлари қийналай бўлса ҳам бизни шундай тинч ва дориланом кунларга етказганлари – бу ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўл-майдиган улкан жасорат, фидойилик ва қаҳрамонликдир.

Шунинг учун бундай мард ва оли-жаҳод аждодларимиздан ўтганларнинг хотирасини улуғлаб, ҳамиса чуқур ҳур-мат-эҳтиром билан ёд этиш, бугун ора-мизда яшаб келаётган муҳтарам нуру-нийларимизни ҳар томонлама ардоқлаш – муқаддас бурчимиздир.

Энг муҳими, бундай савобли ишлари-миз ёшларимиз учун ҳам тарбия ва ибрат мактабига айланади.

Албатта, сиз, журналистларга яхши маълум – юртимизда кекса авлод ва-килларини қўллаб-қувватлаш, улар-нинг мазмунли умр кечирishi учун зар-рур шaroитларни яратиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Хусусан, пенсия ва нафақаларни расмийлаштириш, уларни ўз вақтида тўлаш, турли ижтимоий хиз-матлардан фойдаланиш билан боғлиқ қи-йинчилик ва муаммолар бартарф этил-ди. Жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган отахон ва онахонларимиз “Нуроний” жамғармаси томонидан мод-дий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

Кекса авлод вакиллари-нинг саломат-лигини асраш, уларга республикамиздаги

турли санатория ва дам олиш уйлари-га имтиёзли йўлланмалар бериш, байрам кунларида уларни алоҳида қўллаб-таб-риқлаш, доимий иззат-ҳурмат кўрсатиш эзгу аънанага айланади бормоқда.

Такрор айтаман, ўз вақтида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини Ватанимиз равнақи, халқимиз фаро-вонлиги учун бағишлаган бундай та-баррук инсонлар олдида биз бир умр қарздоримиз. Муҳтарам нурунийларимиз-нинг ҳаётини янада файзли қилиш, улар ўзларининг бой тажрибаси, фойдали маслаҳатлари билан ижтимоий ҳаётини-мизда, айниқса, Янги Ўзбекистон ёшлар-ини тарбиялашда янада фаол иштирок этишлари учун қўшимча имкониятлар яратамиз.

Бу масалаларга алоҳида урғу бериб гапиряётганим албатта бежиз эмас. Биз Янги

Халқ демократик партиясидан

одамлар нимани кутиши керак?

Жорий йил октябрь ойида юрти-мизда Президент сайловлари бўлиб ўтади. Амалдаги тартибга кўра, президентликка фақат рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Яъни, жараён партиялар учун яна бир синув даври бўлади. Шу боис, мавжуд сиёсий партияларнинг вилоят Кенгаши раҳбарларига сайловга тайёргарлик жараёни юзасидан бир неча саволлар билан муножот қилдик. Сўровимизга ХДП вилоят кенгаши раиси Бадриддин Насриев қуйидагича жавоб берди.

- Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан октябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловига қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

- 2021 йил 27 июль куни Марказий кенгашимиз Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йўналиши қабириди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Президент сайловидаги иштироки, бу борада асосий тадбирлар календарь режаси, партия марказий сайлов штабини ташкил этиш, партия ваколатли вакилини белгилаш, партиянинг янги сиёсий рекламаси ва мафтунокор жиғини яратиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш масалалари кўриб чиқиш, тегишли қарорлар қабул қилиниди.

Шулардан келиб чиқиб, 7 август куни Марказий кенгашнинг IV пленуми қабирилди. Унда партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш, партиянинг XII қурултойига номзод кўрсатиш, жойи ва унинг кун тартиби, қурултойга делегатлар сайлаш масала-

сида партия минтақавий кенгашлари пленумларини ўтказиш, ҳудудий кенгашлардан делегатлар сайлаш тартиби, партиянинг янги рамзини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниди.

Пленумда Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми 26 август куни ўтказилиши белгиланди. Унда партиянинг сентябрь ойида Тошкент шаҳрида бўладиган XII қурултойига делегатлар сайланади.

Умуман, Ўзбекистон ХДП томонидан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури партиянинг ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотларида сайловчиларга кенг ва аниқ етказиш, сайловчиларнинг кўп миң сонли овозига эга чиқиш ва шу тариқа сайловда ғалаба қозонишни олдимизга мақсад қилганмиз.

- Вилоятда сайлов натижалари қандай бўлишини кутяпсизлар?

- Вилоятда мавжуд 20 миңдан зиёд аъзоларимиз, ҳамда кўп миң миң партияимиз хайрихоҳлари ва электорат вакилларимизга таянган ҳолда сайловда муваффақият қозонишимизга ишонамиз.

Сабаби, бизнинг сайловолди дастуриимиз ўта халқчил. Шу билан бирга аҳолининг эҳтиёманд, кўп фарзандли, боқувчисини йўқотган қатлами, чин етимларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида кенг қўламли ислохотлар кўзда тутилган. Бу эса халқнинг ишончига сазовор бўлишимизга замин бўлади.

- Партиядан президентликка кўрсатилган номзод учун табиийки, вилоятда ҳам ишончли вакил сайланади. Бу вазиға ким(лар)га топширилиши режалаштирилган? Унинг қайси жиҳатлари сайловолди тарғиботида самара беради, деб ўйлайсиз?

- Партиядан президентликка кўрсатилган номзоднинг ишончли вакили номзодга сайлов кампаниясини ўтказишга ёрдам берувчи, сайлаш учун тарғибот-ташвиқот олиб боровчи, давлат оранжари ва жамоат бирлашмалари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда

номзоднинг манфаатларини ифодаловчи шахс ҳисобланади. Шу сабаби вилоятда обрў-этиборга эга, ўз фикрини тўлиқ ифода эта оладиган, партияимиз фаолларидан номзодлар шакллантирилиб, партия Марказий кенгаши ишчи гуруҳига тақдим этилди.

- Умуман, Ўзбекистон ХДПдан кўрсатилган номзод сайловларда ғалаба қозонса, одамлар нимадан умид қилишлари мумкин?

- Биз учун асосий устувор йўналиш, авваламбор, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни юритишдан иборат. Бу меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишини, фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги қўллаб-қувватланиши ҳамда рағбатлантирилишини, ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратилишини, пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёллари тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизими шакллантирилиши билан боғлиқ масалаларни қамраб олади.

Кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини изчил давом эттириш лозим. Бунда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳолининг эҳтиёманд қатламлари ўртасида боқимандалик кайфиятини баргараф этишга қаратиш, уларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдамни асосан кам таъминланган оилалар, ижтимоий ёрдамга муҳтож қариялар ва болаларга йўналтириш ниҳоятда муҳим масала.

« Сайлов – 2021 »



Бизнинг номзод ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда барқарор иш ўринларини яратиш кўрсаткичлари муҳим мезонлардан бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Шундай экан вилоятимизнинг 2 миллиондан ортиқ сайловчилари бизга ишониб овоз беришди, деган умиддамыз.

- Жорий йилнинг ўтган даврида партия депутатлик гуруҳи томонидан муайян масала ўрганилиб, вилоят Кенгаши сессиясига олиб чиқилмади. Бу ҳолат сайловларда ақс таъсир қилмайдими?

- Фикрингизга қўшилмайман. Негаки, жорий йилнинг ўтган даврида партия депутатлик гуруҳи томонидан вилоят Кенгаши сессиясига 2 та масала киритилди. Бундан ташқари, туман ва шаҳар кенгашлари сессияларида депутатларимиз олиб чиққан 62 та масала кўрилди.

Оддий мисол, вилоят Кенгашида Самарқанд тумани сектор раҳбарлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига манзилли ёрдам кўрсатишда кўзбўямачиликка йўл қўйилаётгани аниқ фактлар билан очиб берилди. Шу боис, сессияда туман сектор раҳбарларига аниқланган камчиликларни бир ой муддатда баргараф қилиб, Кенгашга ҳисобот бериш вазиғаси қўйилди.

Айтмоқчи бўлганим, депутатлик гуруҳларимиз электоратимиз ва сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иш олиб бормоқда. Бу албатта, ўтказиладиган сайловда номзодимизга ишонч билдирилишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Ёқубжон МАРҚАЕВ сўхбатлашди.

Кексалик – бекорчилик эмас

Вилоят “Нуронийлар” жамоатчилиқ кенгаши томонидан Ургут туманида ўтказилган саёҳат-тур иштирокчиларнинг ҳулосаси шундай бўлди.

Кенгашнинг туман-шаҳар бўлими раислари, фахрийлар дастлаб, туманда олиб борилаётган ишлар, хусусан, туман кенгашида яратилган шароитлар билан танишди. Фаёул Аъзам қадимжосини зиёрат қилишди.

- Ҳам саёҳат, ҳам тажриба алмашишга қаратилган бугунги тадбир “Ҳар бир нуроний - беш ёшга мураббий” лойиҳаси қўламини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз, - дейди вилоят “Нуронийлар” жамоатчилиқ кенгаши раиси Саидахмад Усмонов. - Негаки, кексалик чоғида ҳам фойдали иш, айнақса, тадбиркорлик билан шуғулланаётган отахон-онахонлар оз эмас. Гап улар фаолиятини тарғиб қилиш, ибратини бошқаларга ўргатишда.

Саёҳат-тур иштирокчилари тумандаги каштадўз, тикувчи ва ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилаётган нуронийлар фаолияти билан танишди. Масалан, мураббий-нуроний Гулсара Ҳақбердиева ўзига бириктирилган ёшлар билан чақалоқларга йўргаклаш жамланмалари ва кийим-кечак тикяпти. Ҳожи онанинг айтишича, чақалоқларни йўргаклаш жамланмаларига ички бозорда эҳтиём жуда катта. Шу боис, ишлаб чиқариши кенгайтириб, 10 нафар ёшнинг бандлиги таъминланган. Аброр бобо Ҳожиёв томонидан ташкил этилган резина пойабзал ишлаб чиқариш цехида 40 нафар йилгит-киз фойдали меҳнат билан банд.

Умуман, “Ҳар бир нуроний - беш ёшга мураббий” лойиҳаси доирасида вилоятда ҳар бир маҳалладан 5 нафар тарбияси оғир, маънавий-ижтимоий қўмакка муҳтож, яъни, ишсиз 5525 нафар ёшлар рўйхати шакллантирилган. Мураббий-нуронийларнинг савий-ҳаракатлари билан бугунги кунгача 1,5 миң нафарга яқин йилгит-киз “Ёшлар дафтари”дан чиқарилиди.

Саёҳат-тур давомида бир пилёла чой устида давра сўхбати ташкил қилиниб, галдаги вазиғалар хусусида фикрлашиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ

Амалдаги тартибга кўра, қуйи турувчи сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш юқори турувчи сайлов комиссияларининг ваколатларидан чиқарилади. Бу жорий йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган.

Сайлов қонунчилигини бузиш

уч йилгача озодликдан маҳрум қилишга сабаб бўлади

Ҳужжатга асосан сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар фақат судлар томонидан кўриб чиқилади. Жумладан, номзод кўрсатган сиёсий партиялар органлари, номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин 5 кун ичида судга шикоят қилиши мумкин.

Ҳўш, бунда қонунбузилиш ҳоллари аниқланса, қандай жазо чоралари қўлланилади? Мисол учун, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиғиноти учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йилгирима беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Яъни, ушбу жазо чораси сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбақлаштириш, сайлов ёки имзо арақаларига сохта ёзувлар киритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш учун қўлланилади.

Кайд этилаётган жиғинот жиғиноти тушуниш, яъни қонунчиликни бузиш масаласига аниқлик киритиш учун Сайлов кодексининг 103-моддасига эътибор қаратамиз.

Унга кўра, сайлов кунини ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказиладиган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан, ахборот тармоқларига, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

Албатта, мазкур масалада сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик масаласи ҳам қонунчиликда белгиланган.

Судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

судьяларнинг малака ҳайъати томонидан қўлланиладиган интизомий жазо чораларидан бири

Судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қиладиган янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунда шу каби қатор янги жиҳатлар белгиланди. Мисол учун, қонунда оммавий ахборот воситалари ўз ҳабарларига муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга қандай шаклда бўлмасин, таъсир кўрсатишга ҳақли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, судья коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига ва одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятга ғайриқонуний аралашушга уринишларга қаршилик кўрсатиши ҳамда бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақда Судьялар олий кенгашига хабар бериши ва суд процесси иштирокчиларини ҳурмат қилиши шартлиги белгиланди.

Қонунда шунингдек, судьяларнинг мажбуриятлари ҳам қайд қилинган. Хусусан, судья шахсан ёки ишончли шахслар орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга, шу жумладан, ҳўжалиқ юритувчи субъектнинг бошқаришда, унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, иштирок этишга, судья, судьянинг эри (хотини) ва вояга етмаган фарзандлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида

жойлашган чет эл банкларига ҳисобварақлар (омонатлар) очишга ва уларга эга бўлишга, нақд пул маблағларини ҳамда қимматликларни сақлашга, судда кўриб чиқилаётган масала юзасидан суд ҳужжати қонуний кўчга киргунга қадар ошқора мулоҳазалар билдиришга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилди.

Олдинги қонунда судьялик лавозимига номзодларга қўйиладиган талабларни белгиловчи қуйидаги нормалар назарда тутилмаганди. Яъни, энди жиғинот содир этганликда айбланаётган шахс, илгари судланган ёки ўзига нисбатан жиғинот иши реабилитация қилмайдиган асослар бўйича тугатилган шахс, чет давлат фуқаролигига эга бўлган ёки чет давлат ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи яшаш гувоҳномасига ёхуд бошқа ҳуж-

Фермер хўжалиги тугатилганда

ер майдонига сарфланган харажатлар қоплаб берилади

Бу иш Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган “Тугатилаётган ёки мақбуллаштирилаётган фермер хўжалиги ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа субъектларга ажратилган ер майдонида сарфланган харажатлар қийматини ҳисоблаш ва қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида амалга оширилади.

Низомнинг 4-бандига кўра, ер майдонида сарфланган қуйидаги харажатлар қоплаб берилади:

- кўчатлар, кўп йиллик мевали, ҳосилга кирмаган кўчатлар ва манзарали дарактлар, уларни парвартириш, ҳудудни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари;
- қишлоқ хўжалиги экинларини сўғуртиш мақсадида ўрнатилган томчилатиб сўғуртиш тизимлари, сув чиқариш учун бурғуланган қудуқ, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув хавзаларидан сувни тортиш насос станцияларини ўрнатиш ҳамда арик-зотворлар қазмиш, уларни таъмирлашга қетган харажатлар (Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган субсидия маблағлари бундан мустасно);
- қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш мақсадида бажарилган агротехник тадбирлар (ерларни беғона ўтлардан, тош ва бошқа чиқиндилардан тозалаш, ер майдонларини текислаш, ҳайдаш, экишга тайёрлаш);
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

етиштириш учун сарфланган харажатлар, етказиб берилган моддий-техник ресурслар ва кўрсатилган хизматлар бўйича юзага келган қарздорликлар;

- ишлаб чиқариш мақсадлари учун бошқа инфратузилма объектлари — газ, электр, оқова ва ичимлик суви, канализация тармоқлари ва йўл қурилишига сарфланган харажатлар;
- чорвачилиқ, балиқчилик ва паррандачилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида қурилган иншоотлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини қуриш ва таъмирлашга сарфланган харажатлар;
- қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси доирасида фойдаланишдан чиққан ерларни қайта фойдаланишга киритиш мақсадида сарфланган харажатлар;
- жорий йил ҳосилидан пахта хомашеси, бошоқчи дон, шולי ва сабзавот экинлари етиштириш харажатларини молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ресурслари ҳисобидан ажратилган кредит маблағлари.

Ҳўш, қишлоқ хўжалиги ташкилоти тугатилганда ер майдонида сарфланган харажатлар ким томонидан қоплаб берилади?

Баҳолаш қишлоқ хўжалиги ташкилоти ташаббуси асосида амалга оширилганда, баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботи нусхаси унга иловалар билан биргаликда ташкилот томонидан туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади.

Туман (шаҳар) ҳокимлигида ҳисобот бўйича эътирозлар мавжуд бўлмаганда, тугатилаётган ёки мақбуллаштирилаётган қишлоқ хўжалиги ташкилотининг ер майдони бир кун ичида танловга қўйилади ҳамда талабгорларни ҳисоботда кўрсатилган қоплашни лозим бўлган харажатларнинг бозор қиймати ҳақида белгиланган тартибда олдиндан хабардор қилиш таъминланади. Мазкур талаб бажарилмаган тақдирда, ушбу ер майдони бўйича танлов ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Қишлоқ хўжалиги ташкилоти, талабгор ва туман (шаҳар) ҳокимлиги ўртасида юзага келади низо бўйича келишувга эришилмаган тақдирда, низо суд тартибига кўриб чиқилади.

Иброҳим МУЗАФФАРОВ, Пайарик тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

« Солиқдан саволим бор »

Ногирон кишида солиқдан имтиёз борми?

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг мол-мулки 60 квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади. Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғидан озод этилган. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади.

БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛАРГАЧИ?

Жорий йил 1 январдан бошлаб боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар жисмоний шахслардан олинмайдиган ер солиғидан озод қилиниди.

Яъни, ота ва онадан бири ёхуд ота-она вафот этган кўп болали оилаларга солиқ солишда ушбу имтиёз Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг маълумотномаси асосида берилади.

ЯНА БИР ИМТИЁЗ

Солиқ кодексининг 378-моддасига асосан, уй хўжалигида деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда сотишдан олинмайдиган даромадлар бўйича имтиёз берилган бўлиб, бунда мазкур даромадлардан жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи ундирилмайди.

Орзу НАСИМОВ, вилоят давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 2 августдаги VI-38-24-07-0-К/21-сонли қарорига асосан "E-AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулк объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Бошланғич нархи (сўм)	Умумий ер майдони (га.)	Қурилиш ости майдони (кв.м.)	Савдо санаси	Ариза беришнинг охириги муддати
1	Қурилиши тугалланмаган бино	Самарқанд шаҳар ҳокимлиги	Самарқанд шаҳри Бўстонсарой кўчаси, 28-уй	387 408 410,0	0,02	180,0	17.09.2021 й.	15.09.2021 й.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қўшидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auction.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истадида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auction.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auction.uz" сайтида ярилган "Шахсий кабинет"лари орқали қириб ўтказилган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида

тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатиде аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auction.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг

"Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади. Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТнинг бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирорчаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ёлиб деб топиллади. Шундан сўнг иштирокчиға фойлиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта

жўнатмаси орқали юборилади. Савдолар натижалари бўйича фойлиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг фойлиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пуллари қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил:

Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:

66-233-73-54, 91-537-32-12

Факс: 66-233-73-54

"Facebook"даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

Абдуазиз ҲОШИМОВ



Каттакўрғон шаҳрининг асл фарзанди, истеъдод соҳиби, фидойи инсон Абдуазиз Ҳошимов 73 ёшида вафот этди.

А.Ҳошимов 1948 йил 16 апрелда Самарқанд шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, Тошкент театр ва рассомчилик институтининг драма ва кино актёри мутахассислиги бўйича ўқиди.

Илк иш фаолиятини Каттакўрғон шаҳар театрида бошлади. Ушбу санъат даргоҳи Абдуазиз акани камолотга етказди, элга танитди. Театрда юздан ортқ спектаклларда турли образлар яратди.

Бу орада маълум муддат Самарқанд, Сирдарё вилоят театрларида ҳам хизмат қилди, режиссёр сифатида Ургут ва Каттакўрғон халқ театрларида "Фирром", "Ўзарлар", "Тўйлар муборак" каби спектаклларини сахналаштирди. Ургут ва Шахрисабз халқ театрларида унинг пьесалари муваффақиятли кўйилди.

Абдуазиз ака умрининг эллик йилдан зиёдини ижод йўлига бағишлади ва шу вақт давомида ўткир публицстик мақолалар ёзиб, вилоятимиз ва республика адабий муҳитида эътибор қозонди. Эл орасида сўзи ўткир, фикри теран, жасоратли қалам соҳиби, деган ном олди. Бу фидойи инсон "Зарафшон" газетасининг ҳақиқий жонқуяри, жамоатчи муҳбири эди.

Абдуазиз ака "Театр - руҳимнинг қуввати, матбуот - қалбимнинг тили, санъат - ҳаётимнинг мазмуни", деган гапни кўп такрорларди. Ҳаётининг сўнгигача шу ақидага амал қилиб яшади.

Давлатимиз ҳам А.Ҳошимовнинг меҳнатларини муносиб тақдирлади. У "Шавкатли меҳнати учун", "Таълим фидойисини" каби медаллар соҳиби эди.

Эл ардоклаган журналист, санъат устаси, камтарин инсон Абдуазиз Ҳошимовнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий сақланади.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УОШМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ. "ЗАРАФШОН" ВА "САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК" ГАЗЕТАЛАРИ ЖАМОАСИ.

Самарқанд таянч тиббиёт коллежидан 2008 йилда Порсаева Мадина Улмасовна номига берилган рўйхат рақами 2171, К № 0956719 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежидан 2017 йилда Хайдаров Жўрабек Пулат ўғли номига берилган рўйхат рақами 378, К № 4697804 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтидан 2021 йилда Нормуродов Шох-дуддиқ ўғли номига берилган рақами 1189, В № 00157312 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Навоий вилоят Учқудук кончилиқ касб-хунар коллежидан 2017 йилда Нормуродов Шох-дуддиқ ўғли номига берилган К № 4630140 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Самарқанд академик лицейидан 2019 йилда Ғофуров Мусобек Шавкат ўғли номига берилган рўйхат рақами 227, L № 364612 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Хасанова Сарвиноз Исмоиловна номига берилган О'Р-Ш № 0351626 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Хасанова Сарвиноз Исмоиловна номига берилган О'Р-Ш № 3668243 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар институтидан 2012 йилда Нурбаева Дилрабо Абдурауфова номига берилган рўйхат рақами 427, В № 632263 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали академик лицейидан 2018 йилда Бекпўлатов Қўтбиддин Жамолдин ўғли номига берилган L № 334335 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги «CHICKEN EXPRESS FRIED» оилавий корхонасининг (СТИР: 305806621) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси ва вилоят давлат молиявий назорати бошқармаси жамоалари молия бош бошқармаси бўлими етакчи иқтисодчиси Ҳамза Хушвақтовга отаси

Ҳолмурод ХУШВАҚТОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

ҚУТЛАЙМАН!

Хўрматли БОБОЖОНОВ Илҳом Аллаберганович! Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман!

Илҳом Бобоҷонов 1941 йилда Урганч шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, тиббиёт соҳасига бўлган қизиқиш уни Самарқанд давлат тиббиёт институтига етказди. 1966 йилда олийгоҳни тугатиб, Қозоғистон ва Тожикистонда ҳарбий тиббиёт врачлари бўлиб ишлади. 2001 йилда подполковник унвони билан нафақага чиқди ва ҳозирги кунгача Самарқанд давлат тиббиёт институтиде 2-қисм бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

Бобоҷоновлар оиласи тиббиётчилар оиласи. Турмуш ўртоғи, олий тоифали врач Мамлакат Назарова билан фарзандлари Уктам ва Баҳорани тиббиёт соҳасида ўқитишди. Улар ҳам халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда.

Азиз дўстим, сизга узок умр, мустақкам соғлиқ тилайман. Фарзанд ва набираларингиз қуршовида бахтли ҳаёт кечиринг!

Дўстингиз Баҳром АБДУРАҲМОНОВ.



БИЗ СИЗДАН ШИФО ТОПДИК!

Коронавирус пандемияси даврида ўз соғлигини хатарга қўйиб, беморлар дардиға шифо бўлаётган шифокорларимиз, шубҳасиз, давр қаҳрамони. Биз яқинда Самарқанд шаҳар Кимёгарлар кўрғониде жойлашган «Хоспис ковид маркази»да даволаниб, оиланимиз бағриға қайтдик. Марказ бош врачлари Ибодулло Каримов, врачлар Юсуф Ҳайдаров, Азиза Курбонова, ҳамширалар Тозагул Мустафоева, Шахноза Мамақусова, хона бекаси Муаттар Ҳамраева, бошқа врач ва ҳамширалардан жуда миннатдоримиз. Ўз касбининг фидойилари, қўли эм, сўзлари малҳам шифохона жамоасига мустақкам соғлиқ, оилавий бахт, халқ саломатлиги йўлидаги фидокорона ишларида улкан зафарлар тилаймиз.

Абдуҳамид СОЛОВОВ, Меҳриддин ҲАЙИТОВ, Жамшид НОМОЗОВ, Жасурбек РУСТАМОВ.

РАҲМАТ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

Жомбой туманида истиқомат қилаётган кўзи ожиз, ногиронлиги бўлган шахсларға моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келаётган ташкилотлар, жумладан, туман ҳокимлиги, туман прокуратураси, «Жомбой дон маҳсулотлари» ОАЖ, «Амин инвест интернетшнл» ЖК, «Шавкат-Ўткир боғи» ва «Жангир ота» фермер ҳужалиқлари, туман ирригация бўлими раҳбарияти ва ходимлариға ўз миннатдорлигини билдирамиз. Сизларға сийҳат-саломатлик, оилавий бахт тилаймиз. Она диеримиз равнақи йўлидаги ишларингизға омад ёр бўлсин.

Кўзи ожизлар жамияти Жомбой тумани бўлинмаси.

ХЎРМАТЛИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР!

Тадбиркорлик субъектларининг таклифлариға мувофиқ йиллар давомида (3 йилдан ортқ) фаолиятини амалға оширмаётган хўжалик субъектларини соддалаштирилган тартибда давлат реестридан чиқариш тадбирлари қўрилоқда.

Давлат реестридан чиқариладиган тадбиркорлик субъектлари рўйхати билан Давлат хизматлари агентлигининг расмий веб-сайтиға жойлаштирилган ҳавола орқали танишишингиз мумкин. https://fo.birdarcha.uz/notification/simple_liquidation

Фаолиятини қайта тиклаш истадида бўлган хўжалик субъектлари таъсисчи ва раҳбарлари 2021 йил 20 августға қадар рўйхатдан ўтган ҳудудидаги давлат хизматлари марказиға мурожаат қилишлари лозим.

Қўшимча саволлар бўйича солиқ тўловчининг шахсий кабинети, Давлат солиқ қўмитасининг Call-маркази - 1198 ҳамда 71-202-32-82 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

ВИЛОЯТ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Жомбой туманидаги «FARM JUX MEDICAL INVEST» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307960620) ўз устав фондини қайтаришдан. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетамда эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Жомбой шаҳарчаси Шукур Буронов кўчаси.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Худайкулов Маматкулға (1984 йил 19 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасиға мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Рузиева Кумуш Шоназаровнаға (2000 йил 27 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасиға мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман давлат хизматлари маркази биносида.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Салиева Зарифаға (2020 йил 19 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасиға мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасида марҳум Саламова Мавлюдаға (2020 йил 21 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азимова Камола Ҳамзаевна нотариал идорасиға мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 18-уй, 51-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасида марҳум Давронов Ахтамға (1993 йил 8 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Мухиддинович нотариал идорасиға мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Пактачи туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Хўжанова Дилобар Маҳмудовна нотариал идорасида марҳум Раҳматов Исмоилға (1997 йил 18 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хўжанова Дилобар Маҳмудовна нотариал идорасиға мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Пайриқ туманидаги 26-ўрта мактабдан 1996 йилда Худойбердиева Дилдора Файзуллаевна номига берилган UZA № 047231 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 26-ўрта мактабдан 1996 йилда Худойбердиева Дилдора Файзуллаевна номига берилган UZA № 047231 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайриқ туманидаги 26-ўрта мактабдан 1996 йилда Худойбердиева Дилдора Файзуллаевна номига берилган UZA № 047231 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Самарқанд иқтисодий ва сервис институти ҳузуридаги Каттакўрғон сервис техникуми 2021-2022 ўқув йили учун куйидаги мутахассисликлар бўйича 11-синф битирувчиларини ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасини тамомлаган талабаларни ўқишға қабул қилади:

КУНДУЗГИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ:

1. Компьютер инжиниринги;
2. Молия;
3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
4. Маркетинг;
5. Менежмент;
6. Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси;
7. Дастурий инжиниринг;
8. Банк иши;
9. Статистика.

СИРТҚИ ТАЪЛИМ ШАКЛИ:

1. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
2. Молия;
3. Банк иши.

Таълим бериш 2 йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги ва сиртки таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалға оширилади. Техникумни тугатган кундузги таълим битирувчилари ўз йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5812-сонли Фармониға асосан олий таълимнинг 2-курсидан яқка тартибда суҳбат

асосида тўлов-контракт билан ўқишини давом эттиради.

Техникумға ўқишға кириш учун www.texnikum.edu.uz электрон платформаси орқали куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- электрон ариза;
- Умумтаълим мактабининг 11-синфини тугатганлигини тасдиқловчи аттестат (электрон) нусхаси ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом (электрон) нусхаси;
- 3x4 см. ўлчамдаги фотосурат.

Республиканиннг барча ҳудудларидан ўқувчилар ва чет эл фуқаролари қабул қилинади.

Қабул 2021 йил 10 сентябргача давом этади.

Мурожаат учун телефонлар: 94-475-42-86, 66-456-07-23.

Манзил: Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳри, Самарқанд кўчаси, 70-уй.

“ЖОМБОЙДОН МАҲСУЛОТЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*юртимиз тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатаётган
барча ватандошларимиз ва қишлоқ хўжалиги ходимларини*

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ

билан табриклайди.

*Амалга ошираётган бунёдкорлик ишларингизда
омад ёр бўлсин!*



КАДАСТР АГЕНТЛИГИНИНГ ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ПАЛАТАСИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



*барчани энг улуғ ва энг азиз байрам –
МУСТАҚИЛЛИК КУНИ
билан самимий табриклайди.*



*Осмонимиз
мусаффолиги,
юртимиз тинчлиги,
ватанимиз
мустақиллиги
абдий бўлсин!*



Хизматлар лицензияланган.



“ТЕМИРЙЎЛ ДЕҲҚОН БОЗОРИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*юртдошларимизни яқинлашиб келаётган
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ
билан табриклайди.*



*Бағрикенг ва
матонатли
халқимизга соғлиқ,
дасурхонига
тўкин-сочинлик
тилаймиз!*

Хизматлар лицензияланган.

Фарзандларимизга китоб танлар эканмиз, уларнинг ёшани, қизиқишини албатта, инобатга оламиз. Масалан, кичкинтойларга эртақлар, табиатга қизиқадиганларига айни мавзулардаги, техника ишқибозларига ҳам ўзига хосларини танлаймиз. Бу албатта, яхши ва самарали усул. Болаларни қизиқишларидан ташқари мумтоз адабиётга, шеъриятга ҳам жалб қилмоқ керак, деб уйлайман.

Ҳозирги болалар Навоийни тушунмайдими?

Ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганар эканмиз, унинг болаликдан ўқиш ва ўрганишга иштиёқи балан бўлганини англаймиз. "Оила муҳити болалигидаёқ унда адабиётга зўр ҳавас тугдирган эди. Тоғалари Мирасид – Қобулий, Мухаммад Али – Ғарибий етук шоир эдилар. Ғиёсиддин Кичик хонадонда шоирлар тез-тез тўпланиб, мушоира қилишар, адабиёт ва санъат ҳақида суҳбатлашар эди. Алишер Навоий 10-12 ёшларидан шеър ёза бошлаган". Мана шу муҳит Навоийга Аллоҳ берган истеъдод билан бир қаторда илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. "Мантик ут-тайр"ни бола тафаккури билан англашига ердан берган.

Ҳангек, назаримда. Мактабда ўқиган кезларимиз аниқ фанлардан дарс берадиган бир ўқитувчимиз ҳамisha Навоийдан иқтибос келтириб гапирарди. Баъзан қайта сўраб олардик. Устоз дарсда чарчаса, ўзимиз ғазал айтишни таклиф қилардик. Бу ғазаллар бола онгимизга шу устозимиз овозида сингиб кетган. Ҳозир ҳам Навоийнинг ушбу сатрларини ўқисам, устозимнинг соҳир овози келаверади. Адабиётга қизиқтириш адабиёт устозининггина иши эмас. Буни ҳамма қилиши мумкин. Фақат ўз устида ишлаши ва мумтоз адабиётни кўпроқ ўқиши муҳим. Оилада ҳам фарзандлар жам бўлганда бирор байт айтиб қўйсангиз, улар дарҳол нима деганингизни сўрашади. Фалон китобда зўр гап бор экан, деб қўйсангиз, беихтиёр ўша китобни варақлайди. Мана шундай қилиб, шеъриятга қизиқтириш мумкин.

Мен бадиий адабиётни наср ёки назмга бўлмоқчи эмасман. Муддао шеъриятга ҳам эътибор қаратиш. Шунча ғазаллар борки, уни фарзандларимга, мактабда ўқувчиларимга ўқиб бераман. Бошқа ҳамма болалар шу сатрларни идрок этганини истайман. Шеъриятга ошно қалблардан ёмонлик чиқмаслигига ишонаман.

Неъматилло ХОЛМУРОДОВ, Жомбой туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби директори ўринбосари.

Бировнинг соғлиғини хатарга қўйманг

Яқин ўртоғим коронавирусга чалинибди. Тез-тез телефонлашиб, ҳол сўраб турдим. Шу пайтгача вакцина олмаганидан афсусланиб, касалликнинг оғир ўтаётганини айтарди у.

Орадан тўрт-беш кун ўтиб яна кўнғирок қилдим. Шовқин овози эшитилди.

- Тўйданам, дўстим, тўйданам, кейинроқ гаплашайлик, - деди ўртоғим. Бир соатлардан кейин ўзи алоқага чиқди.

- Касал бўлсангиз, тўйда нима қиласиз? - дедим жажим чиқиб.

- Тўй қилган киши оғайним бўлади, бормасам хафа бўларди-да, - деди у бамайлихотир.

Унинг гапини эшитиб, баттар жажим чиқди. Кечагина вой-вой-лаб ётган киши бугун тўйда юрса-я. Балки у ҳали бутунлай соғаймагандир, танасида вирус бордир. Оғайнисининг "кўнғилига" қараган дўстим, яна неча

кишига бу касалликни юқтирди экан. Ёки бутунлай соғаймаган жисми касалликни қайта юқтириб келса-чи, бундай ҳолат ҳам рўй бериши мумкин-ку!?

Афсуски, чекловлар бўлишига қарамай, ҳали-ҳануз тўйларимиз гав-жум. Ниқоб тақиш, ижтимоий масофа сақлашга бепарвоимиз. Меҳмондорчиликдан, тўй-маракадан бўшамаямиз. Ваҳоланки, касаллик кўпаяётгани, тиббий муассасаларда жой муаммо бўлаётгани ва энг ёмони, ўлим ҳолатлари ҳақида эшитяпмиз, бунга гувоҳ бўляпмиз. Шунга қарамай, бепарволик қилишимиз ўзимизнинг, ўзгаларнинг соғлиғи қадрига етмаслигимиздан бошқа нарса эмас.

Вакцинага муносабатимиз ҳам

тушунарси. Давлат раҳбари бу дори воситалари минг бир машаққат билан, қанча маблағ эвазига олиб келинаётганини айтиб, аҳолини ундан фойдаланишга даъват этапти. Тиббиёт ходимлари эмланишнинг аҳамиятини тушунтиряпти. Аммо бу гапларга эмас, ижтимоий тармоқдаги ёки одамлар ўртасидаги гап-сўзларга ишониб вакцина олишни пайсалга солаётганлар, бунга ҳам эътиборсиз бўлаётганлар бор. Ўтган йили ҳаммамиз юрагимизни ҳовучлаб ўтирдик. Қачон вакцина келар экан, деб кутдик. Бугун ўша вакцина келди, аҳоли бепул эмланмоқда. Энди яна нимани кутяпмиз, ҳайронман?

Атрофимиздаги воқеа-ҳодисаларга эътиборли бўлайлик. Хотиржамликка берилишимизга асос йўқ. Соғлиғимиз аввало, ўзимизга керак.

Хусниддин ХОЛДОРОВ.

Болага қандай сабоқ беряпмиз?

Митти болажонлар қалбида Ватанга садоқат, дўстлик, меҳнат-севарлик, ҳалоллик каби ахлоқий сифатларни шакллантиришга мактабга таълим ташкилоти тарбиячилари ҳам масъул. Мактабгача ёшдаги болаларда ахлоқий сифатларни шакллантириш узоқ муддатли, узлуксиз педагогик жараён натижасида вужудга келади. Бу жараённи амалга оширишда таълим ташкилотларида яратилган шарт-шароит, соғлом муҳит ва мақсадга йўналтириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарур услубий омил ҳисобланади.

Шунинг учун мактабгача таълим ташкилотларида олиб бориладиган машғулотлар жараёнида ишчан педагогик муҳитни яратиш ва бунда тарбияланувчиларнинг индивидуал ўзига хос характеридан келиб чиқиб, таълим мазмунини ташкил этишининг ноанъанавий шакл ва услубларидан

фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ахлоқий сифатларни шакллантиришда суҳбат, давра суҳбати, экскурсия, танловлар, баҳс-мунозаралар, учрашув, амалий тренинглари ташкил этиш самарали ҳисобланади. Шунингдек, кичик гуруҳларда ролли ўйинлар "Кейс-стади", "Моделлаштириш",

"Ақлий ҳужум", "Бумеранг", "Галерея", "Зиг-заг", "Музёра", "Балик скелети", "Вен диаграммаси", "Кластер", "Нима учун?", "Қандай?", "Синквейн" ва бошқа интерфаол методлардан фойдаланилса, бу болаларда ўз устида мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантиради. Ижодий фаоллик, ташаббускорлик, жамоа билан ишлаш, мулоқотчанлик сифатлари шаклланади, мактабгача ёшдаги болаларда ўз-ўзини назорат қилиш ва ривожлантириш имкониятлари кенгайишига замин яратади.

Дилафруз ТОҒАЕВА, Каттақўрғон шаҳридаги 8-ДМТТ тарбиячиси.

Эргаш ака асли Фориш тумани Учмоҳ қишлоғида таваллуд топган. Бу қишлоқ жойлашган ҳудуд табиати жуда гўзал. Болалиги тоғу тошлар, кўм-кўк қирларда, дара тубидан шалдираб оқувчи сойлар соҳилида жағ-жағ, кўзиқорин, ялпизу чучмомалар териб, қўй-қўзи боқиш билан ўтган. Аммо бўш қолди дегунча, бир зум ҳам китоб ўқишни қанда қилмаган.

««« Ёнимиздаги одамлар »»»»

Абдураззоқ ОБРЎЙ - ҳажвчи, шоир ва ёзувчи. 1956 йил Паст Дарғом туманида туғилган.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида, "Муштур" журналида, "Ватанпарвар" газетасида меҳнат қилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. «Хўп-лам-тўп-лам», «Хуринг-хиринг», «Тухумнинг қудрати», «Аёлнинг қулоғи», «Рухсат беринг шеър ўқийман», «Сен авайла, асра Ўзбекистонни» китоблари нашр этилган.

Абдураззоқ Обрўйнинг қўтлуғ 65 ёши билан табриклаймиз, ижодий баркамоллик тилаймиз. Қўйида таниқли ҳажвчининг ижод намуналаридан ўқийсиз.

Хотирани пишитиш

Автобусгами, трамвайгами, метрогами чиқиб олсам бас, кўзим тўрт бўлиб, бўш жой қидираман. Албатта ўтириб олишим керак. Бўлмаса иш чаток. Кимдир оёғимни босади, кимдир тирсагини қорнимга тирайди, кимдир туртиб юборади. Хуллас, йўл азоби - гўр азоби. Утириб олган, кўнглим жойига тушади. Чўнтагимдан газет олиб ўқишга ёки кўзимни чирт юмиб олиб хаёл суришга тушаман. Биттаси хотирани мустаҳкамлаш йўлини ўргатган. Мана бунақа: Раъно деб, бир дейман, кейин Раъно деб икки... шу тартибда ўттиз уч марта санайман. Санаб бўлгач, Дилбарга ўтаман. Ундан сўнг Санамага, Шахлога. Бу усул жуда фойдали экан. Мия бир тартибда ишлашга ўрганиб, хотира пишиб бора экан.

Кунларнинг бирода, бир автобусга чиқиб қолибман. Бахтни қаранг, бўш жой бор экан.

Бир калланинг минг ташвиши

Эрталаб Сотти Салимович ишга отланаркан, хотинига: - Шляпамни буюққа бер, - деди. Хотини шляпани узатаркан чирилди. - Бозордаги нарх-наводан ҳам хабар олинг, қандай экан? - Унда, дўппини ҳам буюққа бер. - Ўғлингизни жисмоний тарбия ўқитувчиси чакиртирган экан. Бирров мактабга ҳам кириб ўтинг... - Ҳим-м, яхши. Амриқондан олиб келган спорт калпоғимни бу ёққа узат-чи. - Анови дўқондор бор-ку, - деди хотини пел-

Дарҳол ўтириб олдим. Қўлимда ўқийдиган ҳеч вақо йўқ. Хотира пишитиш машини бошлаб юбордим. Кўз-ни юмиб, санамларни санай бошладим. Саноққа берилиб, кўз қўрғур сағал илинибди. Елкам аралаш бўйнимга бир нарса «ширк» этиб тушди. Кўзим очилиб, хаёлим қочиб кетди. Қаршимда бир чол, қўлида ҳасса: - Энангни уйими бу, хуррак отиб ухлайсан?! Қариларга жой берсанг ўласанми? - деди жажл билан. Шундан буён автобусгами, трамвайгами, метрогами чиқсам, дарров ўша воқеа эсимга тушади. Хотирам пишган-да.

шонасини қашиб, - оти курсин... Қодирбой, айтган нарсаларини топиб қўйдим. Хўжайинга айтинг, олдимга ўтсин, деб кўнғирок қилган эди. - Ў, гапингга борман, хотин, яш-шавор, ондатра теллагимни ҳам бер. - Айтгандай, ёдимдан кўтарилай депти. Кеча адалар келган эдилар. Бугун кечқурун худойи қилаётган эканлар. Қувёга айт, ўтсин, деган эдилар. Сотти Салимович соатига ишора қилди: - Мажлисим бор. Соат олтиларда тугатаман. Ҳа, майли, бирдан ўша ёққа ўта қоламан. Хойнаҳой, сен эртарақ борсанг керак. Салламни ўзинг олиб ўта қол!



Табиат ва табобат ошфутаси

Зехни ўткир, илмга интилувчан, қир-адирлардан ҳар хил гиёҳларни йиғиб, уларнинг доривор хусусиятларини билишга қизиққан Эргаш Қобилов қишлоғидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг аъло баҳолар билан битирган, шифокор бўлишни мақсад қилди. Шу истак уни Самарқанд тиббиёт институтига етаклади.



Тиббиёт институтида ўқиш азалдан ҳам осон бўлмаган. У барча фанлардан берилган топшириқларни бажариш, имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириш учун тунларни тонгларга улади. Талабаларни ихтисосликларга бўлганда, у болалар жарроҳлиги мутахассислигини танлади.

1984 йил институтни тамомлаган Эргаш Қобилов Самарқанд вилояти болалар шифохонасининг болалар жарроҳи вазифасига ишга қўлдирилди. Ана шу йилдан бошлаб унинг амалий ва илмий фаолияти бошланди.

Жарроҳлик даволашнинг бир тури. Чунки дори-дармон билан даволашнинг иккони бўлмаганда, шу йўл танланади. Ёш табиб жарроҳлик билан даволашнинг илмий асосларини ўрганишга жиддий киришди.

Э.Қобилов 1988-1991 йилларда вилоят болалар шифохонасининг болалар жарроҳлиги бўлими бошлиғи ҳамда институтда ассистент лавозимда ишлади. Ишдан ажралмаган ҳолда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиб, "Болаларда ўткир десертруктив пневмонияни даволашда янгича ёндашув" мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Орадан бир йил вақт ўтмай Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси унинг илмий фаолиятига юқори баҳо бериб, доцент илмий унвонига лойиқ деб топди.

Самарқанд давлат тиббиёт институти раҳбарияти Эргаш Қобиловни институтининг маъмурий бошқарув тизимига таклиф этди. Шу тарзда илмий даражали ёш шифокор тиббиёт институти педиатрия факультети декани ўринбосари, декан лавозимда самарали меҳнат қилди. У қарийб ўн йил раҳбарлик қилган факультетда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу вақт ичида факультетда меҳнат қилаётган икки юздан ортиқ ўқитувчилардан 5 нафари докторлик, 17 нафари номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, про-

фессор, доцент илмий унвонларини олишга муваффақ бўлди.

У 2009 йилдан Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг қишлоқ врачлик пунктлари бўйича масъули, Самарқанд шаҳар Хуршида Насимова номидаги диагностика-даволаш маркази директори ўринбосари, Бухоро давлат тиббиёт институтининг 6-7-курслар учун жарроҳлик ва болалар жарроҳлиги кафедраси профессори, 2017 йилдан ҳозирга қадар Самарқанд давлат университети-нинг экология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги кафедраси профессори вазифасида самарали фаолият юритиб келмоқда.

Иш, ўқув-педагогик, таълим-тарбия жараёнини, жамоат ишларини илмий фаолият билан чамбарчас олиб борган Эргаш Қобилов Россияда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Анатолий Дронов маслаҳатига таяниб, "Болаларда ўткир чандиқли ичак туттилиши давоси профилактикаси ва лапроскопиянинг роли" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Эргаш Қобиловнинг ҳозиргача уч юзга яқин илмий мақолалари республикамиздаги ва чет мамлакатларнинг нуфузли илмий журналларида босилган. У саксонга яқин китоблар, шулардан, тўртта дарслик, тўртта ўқув қўлланма, бешта монография, олтиш тўртта ўқув-услубий қўлланма, рисола, иккита патент, ўн тўртта рационализаторлик ишлари муаллифидир. Унинг келгусида амалга оширилиши лозим бўлган режалари катта. Табобат, табиат, табиий ва ижтимоий экология муаммоларига бағишланган бир қатор илмий мақолалар, рисолалар, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишни мақсад қилган.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, шифокор-олим Эргаш Қобилов ҳаётининг олтининчи баҳорини қарши олди. У талабчан устоз, меҳрибон оила бошлиғи. Турмуш ўртоғи Гулшода ая билан фарзанди Зафаржонни тарбиялаб вояга етказди. У уч нафар шириндан шакар невараларнинг сеvimли босиб.

Биз шундай муборак кунда Эргаш акага табиат, жамият, табобат қонунларини ўрганишга жиддий киришган ёшларни эргаштиришдан ҳеч қачон чарчаманг, деймиз.

М.БОЛТАЕВ, Самарқанд давлат университети доценти.

«МАТБУОТ УЮШМАСИ» МИЖОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«МАТБУОТ УЮШМАСИ» МЧЖ орқали обунга уюштирилган даврий нашрлар ўз вақтида обуначиларга етказиб берилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Агар бу борада эътирозлар, таклиф ва мулоҳазаларингиз бўлса, қуйидаги телефон рақамларига мурожаат этшингизни сўраймиз:

66-234-94-37, 66-234-93-96, 66-234-94-32, 66-234-22-53.

«МАТБУОТ УЮШМАСИ» МЧЖ МАЪМУРИЯТИ.

««« Эълон »»»»



Zarafshon
САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS:
«Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalarini tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV
Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyati matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr 100. Indeks 438.
12 571 nusxada chop etildi. Buyurtma 590
Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.
Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy, Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A. SHERXOLOV
Navbatchi: O'XUDOYBERDIYEV.
Sahifalovchi: A.ISMOILZODA.
Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X
9 772010 667009